

МУСТАҚИЛЛИК

ХУҚУҚ

ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
PROKURATURASINING GAZETASI

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING

ҚАРОРИ

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқий-тарбиявий ишлар сусайтириб юборилганлиги, улар устидан бўлган назоратнинг бўшлиғи, иш билан таъминлаш ва бошқа муаммолар қоникарли даражада ҳал этилмаётганлиги оқибатида кўплаб ёшлар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этиш, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка берилиш, диний ақидапарастлик ёки турли зарарли оқимлар, гуруҳлар таъсирига тушиб қолиш каби салбий ҳолатлар учраб турибди.

Ёшларни ижтимоий меҳнатга жалб этиш, тарбиялаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга мутасадди

бўлган ўзини-ўзи бошқариш органлари, ўқув муассасалари ва бошқа идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги мавжуд комиссиялар ўз фаолиятини деярли тўхтатиб қўйган.

Вояга етмаганлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш, улар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш, бу йўналишда масъул бўлган давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш ва янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ҳақидаги Низом ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия таркиби тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади ҳамда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик содир этилиши ва уларни назоратсиз қолдириш ҳолатларининг олдини олувчи орган ҳисобланади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар ҳокимликлари ўз тасарруфидаги мавжуд вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини кўриб чиқиб, уларнинг янги таркибларини тўзинлар.

Комиссиялар фаолияти изчил амалга оширилишини таъминлаш мақсадида уларнинг таркибида маҳаллий бюджет ҳисобидан алоҳида масъул котиб лавозими жорий этилсин.

4. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг асосий вазифалари этиб қўйилганлар белгилансин:

вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг назоратсиз, қаровсиз қолиши ҳамда улар ўртасида содир этилган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиши сабаблари, шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини амалга ошириш;

(Давоми 2 - бетда)

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР КУНИ



Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси Республика Мудофаа вазирлигига қарашли барча ҳарбий қисмлар нахший таркиби билан ҳамкорликда ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий билимини ошириш борасида мунтазам равишда учрашувлар ўтказмоқда. Жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида турли мавзуларда маърузалар ўқилмоқда.

Яқинда Тошкент шаҳридаги майор Муродов қўмондонлик қилаётган ҳарбий қисмда набатдаги ягона сиёсий-ҳуқуқий билимлар куни бўлиб ўтди. Республика ҳарбий про-

куратураси офицерлари «Ватанпарвар» газетаси ижодий ходимлари билан биргаликда ҳарбий қисм аскарлари билан яқиндан мулоқотда бўлишди. «Ватани» ҳимоя қилиш барчанинг бурчи» мавзусидаги суҳбатда мустақиллигимизни, тинч ҳаётимизни ҳавф-хатардан қўриқлаш учун доим тайёр ва ҳушёр туришимиз лозимлигига алоҳида ургу берилди.

Суратда: Республика ҳарбий прокуратураси бўлим прокурори, адлия капитани С. Чориев ҳарбий қисм аскарлари даврасида.

АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОНГА ШАРҲ

БАҒРИКЕНГ ОТАГА МУНОСИБ ФАРЗАНДА БЎЛ!

Республикамыз мустақилликка эришган куннинг 9 йиллиги муносабати билан Президентимизнинг Амнистия тўғрисида Фармонининг оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши айрим тоифа кишилар ҳаётида катта воқеа бўлди.

Чунки бу фармонни, айниқса биринчи марта адашиб ёки эҳтиётсизлик ва бошқа ҳолатларда жиноят содир этиб, пушаймон бўлиб, ундан тўғри хулоса чиқарган маҳкумларнинг йўлига кўз тикиб яшаётган ота-оналар, уларнинг оила аъзолари, фарзандлари қандай интиқлик билан кутганларини сўз билан ифодалаш қийин. Шу билан бирга бу амнистия ўзининг кенг қамровлиги билан олдингиларидан тубдан фарқ қилади.

Ҳар бир меъёрий ҳужжат ҳаётга ўз вақтида, қонуний ва ҳолисона татбиқ этилса, қўтилган натижаларга эришиш мумкин. Биринчидан, амнистия асосида жазодан озод бўлган ҳар бир маҳкум бундай мурувватдан тўғри хулоса чиқариб, келгусида умуман қонун бузилишига йўл қўймаслиги керак. Чунки, уларга иккинчи марта амнистия қўлланилмаслиги ҳақидаги қонун талабини алоҳида эслатиб ўтмоқчиман. Иккинчидан, ушбу Фармонни ижро этадиган идораларга катта масъулият юклатилган. Амнистия та-

(Давоми 3 - бетда)

ЖУРНАЛИСТ МУАММО КЎТАРАДИ

«Фермер ва деҳқон ҳўжаликлари ривожлантириш орқали қишлоқда эгаллик туйғусини қайта тиклаш юзасидан, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан қабул қилинган қарорларимиз ҳаётда рўйга чиқиши учун барча ишни қилишимиз лозим. Эркин тадбиркорлик учун иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароит яратиш зарур. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун ҳамма йўлни очиб бериш лозим».

Ислом ҚАРИМОВ

Ўз вақтида америкалик машҳур психолог Ульям Жеймс ҳақиқатнинг қимматини унинг фойдалилиги билан белгилаб, уни «хаётнинг ҳар бир қисмига ҳаммадан яхшироқ мос келадиган нарсас» деб таърифлаган эди. Прагматизмнинг асосини ташкил этадиган бу «ҳикмат» кейинчалик бозор иқтисодиётини такомиллаштиришда ўзига хос устун бўлган эди. Жамиятимизнинг ижтимоий кучларини қизгин фаолиятга қатъий, ишончли рағбатлантирмай туриб, ўтиш даврида ислохотларга янгича куч-қудрат бағишлаб бўлмаслигини барчамиз яхши биламиз. Худди шу жойда машғулотирилган «фойдалиги» энг кучли омил сифатида тадбиркорликнинг битмас-туганмас «булоғи»нинг

Қ А Р З У АСЛИДА КИМНИКИ?

кўз очишига сабаб бўлади. Тадбиркорликни ривожлантириш, унга йўл очиб бериш ўз-ўзидан юз бермайдиган мураккаб жараён эканлигини вақтнинг ўзи исботлади. Айниқса, ўтиш даврининг бутун мураккабликлари жиддий муаммоларни вужудга келтириши мумкин.

Таъкидлаб айтиш лозимки, Ўзбекистон тарихда ҳеч бир давлат ўз бошидан кечирмаган тажрибани амалга оширмақда. Ўтмиш маъмурий-бўй-рўқбозлик иқтисодиёти буткул

фақиятли амалга оширилаётганлигига барчамиз гувоҳимиз. Бунинг биз чўқур ўзгаришлар қилинаётган қишлоқ ҳўжалиги мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Қисқа муддатда вужудга келтирилган ҳуқуқий асос тўғрисида қишлоқ ҳўжалиги янги-ча мулк шаклларига ўтказилди. Қишлоқ ҳўжалиги ширкатлари фермер ҳўжаликлари, деҳқон ҳўжаликлари ва бошқа хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар мулкчилигининг янги

(Давоми 5 - бетда)

Биз олдимизда турган катта режаларни амалга оширишда Сиз, муҳтарам ўқувчиларимизни энг яқин ҳамкор деб биламиз ва Сизга суянамыз. Нашрларимиз қанчалик мазмунли, ўқиниш ва ранг-баранг чиқаётган экан, билингки, бунда Сизларнинг ҳам хизматингиз бор. Мақсадимиз - XXI асрнинг илк йилида ҳам «Хуқуқ» ва «Қонун ҳимоясида» ҳар бир хонадонга кириб борсин, Сизлар билан ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамлансин. 2001 йил учун нашрларимизга обуна бошланган бир пайтда, яна бир бор эслатиб ўтамыз:

«Хуқуқ» ва «Қонун ҳимоясида» - бу Сизнинг минбарингиз. Бу - мустақиллик минбари.

Азизлар, нашрларимизга обуна бўлсангиз, заррача афсус қилмайсиз. «Хуқуқ»-ингиз ўзингизга ҳамроҳ бўлади.



ОБУНА — 2001

НАШРЛАРИМИЗНИНГ ОБУНА КЎРСАТКИЧЛАРИ:

«Хуқуқ»
газетаси:
Якка тартибда
обуна бўлиш
учун - 231
Ташкилотлар
учун - 232

«Қонун ҳимоясида»
журнали:
Якка тартибда
обуна бўлиш
учун - 839
Ташкилотлар
учун - 840

ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛАНГ!

«HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

Ta'sisshilar

O'zbekiston Respublikasi
prokuraturasi,
Toshkent shahar va Toshkent
viloyati prokuraturalari,
«Qonun himoyasida»
jurnali

Bosh muharrir:

A.ABDURAZZOQOV

Tahrir haya'ti:

Mels Naimov,
Komiljon Ismoilov,
Botir Po'latov,
Baxtiyor Nazarov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Dilshod Isomov
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Zayniddin Mamadaliyev

Gazeta Davlat matbuot
qo'mitasida №00150 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri,
akademik Yahyo G'ulomov
ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34

E-mail: huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'lyozma
va suratlar egalari
qaytarilmaydi.
Mualliflarning fikrlari
tahririyat fikridan farqlanishi
mumkin. Gazetada bosilgan
fakt va dalillar uchun
muallif mas'ul.
Nashrimizdan ko'chirib
bosilganda «Huquq»dan
olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar ** belgisi ostida
chop etiladi.

Gazeta andozasi tahririyat
kompyuter markazida
Pentium-II MMX - 333
kompyuterida sahilalandi.
Sahifalovchi B. SAIDOV,
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa
konserni bosmaxonasida ofset
usulida A-3 formatda
chop etildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma 7 - 951
Nusxasi — 13177

Bosmaxonaga topshirish
vaqti 20.00

Bosmaxonaga
topshirildi 20.30

Gazeta haftaning chorshanba
kunlari chiqadi

Navbatchi muharrir
SH. YODGOROV

Navbatchi: N. MAHMUDOV

Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИВояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар
фаолиятини такомиллаштириш ҳақида

(Давоми. Бошланғичи 1 - бетда)
давлат идоралари, ўзини-ўзи
бошқариш органлари ва жамоат
ташкilotларининг вояга етмаган-
ларнинг назоратсиз қолиши ва
ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш
масалалари юзасидан фаолиятини
мувофиқлаштириш;

Олий ва ўрта таълим вазирлиги,
Халқ таълими вазирлигининг ишти-
рослаштирилган ўқув-тарбия муас-
сасалари ва Ички ишлар вазирлиги-
нинг муассасаларида вояга етма-
ганларнинг сақланиши, уларни
ўқитиш, тарбиялаш шарт-шароит-
лари устидан назоратни ташкил
этиш;

вояга етмаган ёшларнинг онги-
ни, тафаккурини шакллантириш,
юксалтириш, дунёқарабини кенгай-
тириш ҳамда ҳуқуқий саводхонли-
гини ошириш мақсадида маънавият
ва маърифат ишларини жонланти-
риш;

жазони ижро этиш жойларидан
озод бўлиб келган ёки махсус ўқув-
тарбия муассасаларидан қайтган во-
яга етмаганларни турар жой ва иш
билан таъминлашда ёрдам бериш,
шунингдек, вояга етмаганларни иж-
тимоий ҳимоя қилиш бўйича қонун-
да қўзда тутилган бошқа вазифа-

ларни амалга ошириш.

5. Ўзбекистон Республикаси про-
куратураси вояга етмаганлар
ҳақидаги қонунлар ижроси устидан
назоратни кучайтирсин, вояга ет-
маганлар ўртасида содир этилаёт-
ган ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар-
нинг келиб чиқиши сабаблари ва
шарт-шароитлари синчиклаб ўрга-
нилиши ва бартараф этилиши юза-
сидан қатъий чоралар кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги вояга етма-
ганлар иши билан шуғулланувчи
инспекциялар фаолиятининг сама-
радорлигини оширсин, ҳар бир уча-
стка инспекторидан ўз ҳудудида со-
дир этиладиган ҳуқуқбузарлик ва
жиноятлар учун маъсул эканлигини
қатъий талаб қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазир-
лиги, Халқ таълими вазирлиги, Рес-
публика «Маънавият ва маърифат»
Кенгаши, Ўзбекистон хотин-қизлар
қўмитаси, Давлат спорт қўмитаси,
«Соғлом авлод учун», «Қамолот» жа-
мғармалари, ўзини-ўзи бошқариш
органлари, ички ишлар идоралари
ёшлар ва ўсмирларни тарбиялаш,
ўқитиш ишлари устидан назоратни
кучайтирсинлар, яшаш жойларида

нотинч оилаларни, тарбияси оғир
бўлган ёшларни аниқлаш, улар би-
лан тарбиявий ишлар олиб бориш,
вояга етмаганларни ўқишдан ташқ-
ари вақтларда дам олиш ва иш би-
лан таъминлаш масалаларини дои-
мий назоратга олсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Со-
ғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички иш-
лар вазирлиги идоралари руҳий ка-
салга чалинган, гиехвандлик ва ич-
киликбозликка ружу қўйган вояга
етмаганларни аниқлаш, тўлиқ ҳо-
бини юритиш ҳамда уларни даво-
лаш ишларини қатъий йўлга қўйсин-
лар.

9. Ўзбекистон Республикаси Меҳ-
нат вазирлиги, ҳокимликлар, ички
ишлар органлари мутасадди ташқи-
лотлар билан ҳамкорликда жазони
ижро этиш жойларидан озод бўлиб
келган ёки махсус ўқув-тарбия му-
ассасаларидан қайтган вояга етма-
ганларни турар жой ва иш билан
таъминлашда амалий ёрдам кўрсат-
синлар ва уларнинг бу масалада
бевосита маъсул эканликлари бел-

гилаб қўйилсин.

10. Вазирлар Маҳкамаси ҳузу-
ридаги вояга етмаганлар ишлари
бўйича комиссия ҳар ярим йилда
вояга етмаганлар ўртасида жиноят-
чилик ва ҳуқуқбузарликларнинг ол-
дини олиш ҳамда ҳуқуқ-тарбиявий
ишларининг аҳолини муҳофиза
этиб, бу борада мутасадди идора-
лар раҳбарларининг ва қўйи комис-
сияларнинг ҳисоботларини эшитиб
борсин.

11. Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги, Ички ишлар ва-
зирлиги манфаатдор вазирликлар
ва идоралар билан биргаликда бир
ой мuddатда қонун ҳужжатларига
маъзур қарордан келиб чиқувчи
ўзгариштириш ва қўшимчалар кири-
тиш тўғрисида таклиф киритсин.

12. Мазкур қарорнинг бажари-
лишини назорат қилиш Ўзбекистон
Республикаси Президентининг Дав-
лат маслаҳатчиси Ҳ. Комиллов ва Бош
вазир ўринбосари Ҳ. Кароматов зим-
масига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

Ташкент шаҳри,
2000 йил 21 сентябрь

И. КАРИМОВ

ҚАРОРНИ ЎҚИБ

Матбуотда эълон қилинган Республика Вазирлар Маҳкамасининг
«Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини тако-
миллаштириш ҳақида»ги фармони ўқиб, прокуратура ходими си-
фатида айрим фикр-мулоҳазаларини билдириш истаги тўғрисида.
Чунки ушбу қарорнинг 5-бандида Ўзбекистон Республикаси проку-
ратураси вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат-
ни кучайтириш, вояга етмаганлар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбу-
зарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитла-
рини синчиклаб ўрганиши ва бартараф этилиши юзасидан қатъий
чоралар қўриши белгилаб қўйилган.

Болалик баҳорга ўхшайди. Тонг
шабнамидай беғубор ва севинчлар-
га тўла фасл. Болаликнинг беғубор
лаҳзаларини, шўхликларини қўмса-
майдиган инсон бормикин дунёда?

Дарвоқе, шўхлик... Аслида бу хис-
лат фақат болаларга ярашади. Шўх-
шаддод, «шумтақа» болакайларни
кўргангизда қалбгиздан нима-
лар кечади?..

Туманда вояга етмаганларга
ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олди-
ни олиш бўйича маълумотларни
ўрганиб ўтирибман-у, хаёлимда ана
шу каби ўйлар кечади.

Туман мактабларининг бирида
8-синфда ўқийдиган бир неча ўғил
болалар ўзлари тенги нозик ниҳол
қизчани уришди.

— Ҳа, энди, болалар шўхлик қили-
шибди, эрта-индин ҳеч нарса кўрма-
гандай ярашиб, бирга ўйнаб кети-
шади, — дегувчи ота-оналар ҳам
топилиди.

Ўй, мен бошқа хаёлларга бор-
дим. Гул-гуннадек қиз боллага қўл
кўтариш... Буни шўхликка йўйиб
бўладими?.. Бугун синфдошини ур-
ган бебош бола эртага онасига,
вақт ўтибди... Ватанига қарши қўл
кўтармайдими?

Қонун тилида майда безорилик
деб баҳоланадиган бундай хатти-
ҳаракатнинг охир-оқибатини бола-
лар қўл ҳам тушуниб етавермайдил-
лар. Шуниси қизиқки, биз туман
ички ишлар бўлимида вояга етма-
ганлар иши бўйича нозирлик назо-
ратига олинган болаларнинг яша-
ши ва ўқиши билан қизиқиб, улар
ўқийдиган мактабларда бўлгани-
мизда синф раҳбарлари уларни тар-
бияси оғир ўқувчилар деб таъриф-
ладилар. Аммо энг ачинарлиси, биз-

ШЎХЛИКМИ,
БЕЗОРИЛИКМИ?

нинг вазифамиз ўқувчиларга би-
лим бериш, тарбиялаш эмас, де-
ган фикрдаги ўқувчилар ҳам бор
экан. Фарзандларимизнинг асосий
вақти жамоат жойи бўлган мактаб-
да ўтишини ҳисобга олсак, бундай
фикрлаш катта хато эканлигини
тушуниш қийин эмас. Негаки, мак-
таб тарбия занжирининг шундай
бир халқасики, бу халқнинг узили-
ши болаларни тарбиялашдаги
оила— маҳалла—мактаб ҳамкорли-
ги бўлишники келтириб чиқаради.

Вояга етмаганлар билан ишлаш
борасида озми-кўпми орттирган
тажрибамдан келиб чиқиб, айтмок-
чиманки, биз, катталар унчалик
эътибор бермайдиган майда безо-
рилик келгусида болани жиноятга
болошувчи илк симптомдир. Майда
безориликка қўл урган болани бу
қалтис йўлдан қайтармаслик ота-
онанинг ҳам, маҳалланинг ҳам, мак-
табнинг ҳам энг катта хатоси деб
ўйлайман. Туманимизда шу йил
бўлиб 6 ойда вояга етмаганлар ўрта-
сида айнан шундай майда безори-
ликлар ва бошқа хил ҳуқуқбузар-
ликлар бот-бот содир этилаётган-
лиги тарбия масаласида заиф
бўғинлар мавжудлигини кўрсата-
ди.

Буларнинг асосийлари қайси-
лар? Ота-оналарнинг ўз фарзанд-
ларини қаровсиз ташлаб қўйиш-
лари, бошқача айтганда, конституци-

яда белгилаб қўйилган фарзанд
вояга етгунга қадар тарбиялаш бур-
чини охиригача адо этмасликлари,
оила, маҳалла, мактаб, вояга етма-
ганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва
жиноятчиликнинг олдини олишга му-
тасадди бўлган ўзини-ўзи бошқар-
иш органлари ва бошқа мутасадди
ташкilotларнинг бу йўналишдаги

фаолияти тарқоқ ҳолда олиб бори-
лаётганлиги ва ҳоказо.

Вазирлар Маҳкамасининг қаро-
ри ана шу бўшлиқни тўлдиршига
хизмат қилади. Қарорга мувофиқ,
маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги
вояга етмаганлар ишлари бўйича
комиссияларнинг янги таркиби ту-
зилмокда ва улар ўз фаолиятини
жамоатчилик асосида амалга оши-
ради. Энг муҳими шундаки, энди-
ликда бу комиссиялар вояга етма-
ганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик со-
дир этилиши ва уларни назоратсиз
қолдириш ҳолларининг олдини олув-
чи орган сифатида иш олиб боради.

Демак, бизни ўйлантираётган
муаммо ечимини топмокда. Аммо
масаланинг яна бир муҳим жиҳати
бор. Вояга етмаганлар ишлари бўй-
ича комиссиялар жамоатчилик қўма-
гига таянар экан, қачонки, шундай
ёрдам ҳар томонлама кўрсатилган-
дагина унинг фаолияти жонланади.
Бу вазифа оилалар тортиб ҳуқуқни
муҳофиза қилувчи идоралар зим-
масига ҳам алоҳида масъулият юк-
лайди.

Зеро, алломаларимиздан бири
айтганидек, тарбия бу ҳаёт-мамат
масаласидир.

Х.ЖУМАНИЁЗОВ,
Элликҳалъа туман
прокурорининг катта ёрдамчиси

ШУ СОНГА ХАБАР

ЖАМОАТЧИЛИК
КАТТА КУЧ

Яқинда Жиззах вилояти проку-
ратурасида «Диний экстре-
мизм ва терроризмга қарши
кураш ва жиноятчиликнинг
олдини олишда жамоатчилик-
нинг ўрни» мавзусида конфе-
ренция бўлиб ўтди.

Конференцияда туман, шаҳар
ҳуқуқ-тартибот идоралари ва-
киллари, маъмурий ва жамо-
ат ташкilotлари раҳбарла-
ри, маҳалла оқсоқоллари
иштирок этдилар.

Жиззах вилоят прокурори
М.Отабоев юқоридаги мавзу-
да маъруза қилди. Маъруза-
чи ўз сўзида диний экстре-
мизм ва терроризмга қарши
кураш бугунги кунда ҳуқуқ-
тартибот идораларининг асо-
сий вазифаларидан бири
эканлигини, бунда жамоат
ташкilotларининг ёрдами-
дан фойдаланиш муҳимлиги-
ни таъкидлаб ўтди. Уларга
катта эътибор, вақолатлар
берилаётганлигига қарамай
бу вақолатлардан жойларда
самарали фойдаланиш мақ-
садига қўйилганлиги билан
кўрсатиб ўтилди. Диний эк-
стремизм ва жиноятчилик-
нинг олдини олишда маҳалла
аҳлининг, хотин-қизлар қўми-
таси ва бошқа жамоат ташки-
лотларининг ролини кучайти-
ришга оид тадбирлар белги-
ланди. 9 ой мобайнида жино-
ятчилик кўпайганлиги таш-
вишланарли ҳолат эканлиги
қайд қилинди. Музокарада
сўзга чиққанлар жиноятчи-
ликнинг ўсиш тенденциясини
тўхтатишга оид ўз тақлиф ва
мулоҳазаларини билдирди-
лар.

Г.ХАМРОЕВА,

Жиззах вилояти прокуратураси
бўлим прокурори

АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОНГА ШАРҲ

(Давоми. Бошланғичи 1 - бетда)

лаби асосида жазодан озод этиладиган маҳкумларни ўз вақтида жазодан озод этиш, жойларда уларни қўллаб-қувватлаб, ишга жойлаштириш, моддий, тиббий, керак бўлса, маънавий ёрдам кўрсатиш нафақат давлат идоралари, балки жамоат ташкилотлари, маҳалла қўмиталари ва корхона-ташкilotларнинг ҳам вазифасидир.

Собиқ маҳкумларнинг озодликдаги ҳаётга тезда қўникиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишларида, уларнинг қайта жиноят содир этмасликларида ички ишлар, меҳнат органлари ва ижтимоий қўнимка марказлари ходимларининг ўз вазифаларига виждонан ёндошишлари ҳам катта рол ўйнайди.

Амнистияни қўллаш тартиби қандай? Аввало, шуни айтиш керакки, Фармон матбуотда эълон қилинган кунгача, яъни 2000 йил 29 август кунига қадар жиноят содир этган шахсларга ва 1-модданинг «в» бандида кўрсатилган эркаклар 1940 йил 29 август кунигача туғилган бўлсалар, шунингдек шу модданинг «д» бандини қўллаш учун, бу турдаги маҳкумлар ва маҳбуслар амнистия эълон қилинган кунгача 1-2 гуруҳ ногиронлари деб топилган бўлсалар уларга нисбатан Амнистия қўлланилиши мумкин.

Амнистияга тушган шахс қўшимча жазодан эмас, балки фақат асосий жазодан озод этилади, яъни ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш ва мол-мулкни мусодара қилиш каби қўшимча жазолардан озод қилинмайди. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, агар муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси нафақат қўшимча жазо, балки асосий жазо тариқасида ҳам берилган бўлса, бундай ҳолда маҳкум жазодан озод этилмайди.

Фармоннинг 2-моддасида уч йилгача озодликдан маҳрум этилган ёки муддатидан қатъий назар озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга, шунингдек, эҳтиётсизлик ораксидеа содир этган жиноятлари учун ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин, деб кўрсатилган. Агар шахс эҳтиётсизлик оқибатида ҳамда қасддан жиноятларни бирга содир этса ва қасддан содир этган жинояти учун 3 йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган бўлса, унга нисбатан 2-моддани қўллаш мумкин. Агар қасддан содир этган жинояти учун 3 йилдан ортиқ муддатли жазо тайинланган бўлса, ушбу моддани қўллаб бўлмайди.

Фармоннинг 3-моддасида биринчи маротаба олти йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаган шахслар жазодан озод қилиниши белгиланган бўлган.

Ушбу моддани қўллашда суд ҳукми билан тайинланган жазо муддатидан келиб чиқилади. Агар жазо муддати амнистия ёки авф этиш тартибида қисқартирилган бўлса; бу ҳолда ушбу моддани қўллаш учун лозим бўлган қисми /1/4/ амалда ўташ учун қолдирилган жазо муддатидан ана шу қисқартиришни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Мазкур қисмлар Фармон кучга киргунга қадар ўталган бўлиши шарт. Масалан, маҳкум суднинг 1999 йил 1 январь кунги ҳукми билан 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган дейлик. 1999 йил 30 апрелдаги Амнистия тўғрисида Фармон кучга кирган кунигача жазо муддатининг фақат 4 ойини ўтагани учун, унга нисбатан Фармоннинг 9-моддаси «а» банди қўлланиб, ўталмаган жазо муддати, яъни 5 йил 8 ойи учдан бир қисмга, яъни 1 йил 10 ой 21 кунга қисқартирилса, ўташ учун 1999 йил 30 апрель кунига 3 йил 9 ой 9 кун қоларди. Фармон эълон қилинган 2000 йил 29 август кунигача шундан

тўртдан бир қисмини, яъни 11 ойи 10 кунини ўтаган бўлса, маҳкум жазодан озод этилади. Амалда эса маҳкум 1999 йил 30 апрелдан 2000 йил 29 августгача жазо муддатининг 1 йил 4 ойини ўтаган ҳисобланади. Кўриниб турибдики, олдин амнистия билан қисқартирилган жазо муддатлари кейинги амнистия бўйича амалда ўташ учун қолдирилган жазо муддатини ҳисоблашда эътиборга олинмади.

Фармоннинг 5 ва 7-моддалари ҳам худди шу тартибда қўлланилади.

қолдирилган қисми қисқартирилади.

Фармонни қўллаб жазодан озод этиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш ва ўталмаган жазо муддатини қисқартиришда 10-модда талабларига алоҳида эътибор бериш керак. Жумладан, ушбу амнистия бўйича жазодан озод этиш ёки ўталмаган жазо муддатининг қисқартирилиши Ўзбекистон Республикасининг конституцион тузумига қарши жиноятлар содир этган шахсларга, террористик, экстремистик ва бошқа ноқонуний ташкилотлар, жиноий уюшмаларнинг

бекор қилиниб тайинланган жазони ўташга юборилган, манзил-колониялардан бошқа тартибли колонияларга қайтарилган, башарти, ҳибсга олинган кундан бошлаб бир йилдан кам муддат ўтган бўлса, жазони ўташ, шунингдек ҳукм ижроси кечиктирилган ёки синов муддати давомида жиноят содир этган маҳкумлар қиради.

Судлар томонидан ЖКнинг 60-моддаси қўлланилган шахсларга нисбатан амнистия башарти, ҳукм кучга кирган кундан бошлаб бир йилдан ортиқ муд-

БАҒРИКЕНГ ОТАГА МУНОСИБ ФАРЗАНДА БЎЛ!

Фармоннинг 4-моддасини қўллаганда маҳкумнинг амалда ўтаган жазо муддатига амнистия ёки авф этиш тартибида олиб ташланган жазо муддатлари қўшилиди, шундан сўнг жазонинг ўталмаган муддати 1 йилдан кам қолган бўлса, у жазодан тўла озод этилади. Бу моддада маҳкум суд ҳукми билан қанча муддатга озодликдан маҳрум этилгани эътиборга олинмайди. Ушбу модда озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроғи билан алмаштирилган маҳкумларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Амнистия тўғрисидаги Фармоннинг 5-моддаси талаби доирасига биринчи марта 10 йилгача озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида ярмини ўтаган маҳкумлар қиради. Эътибор берсангиз, Фармоннинг 3 ва 5-моддалари биринчи маротаба судланганларга нисбатан қўлланиши кўрсатилган. Амнистиянинг ушбу моддаларини қўллашда ЖКнинг 78-80 моддалари талабидан ташқари, муқаддам эҳтиётсизлик ораксидеа ёки қасддан содир этган жиноятлари учун озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазони ўтаб чиққан шахсларнинг судланганлиги ҳам ҳисобга олинмайди.

6-моддага мувофиқ, Фармон кучга киргунга қадар ЖКнинг 73 ва 89-моддаларига асосан жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилиш муддати келган бўлса, бу турдаги материаллар ўрнатилган тартиб бўйича ҳудудий судларга юборилмасдан, амнистия қўллаш жараёнида (4 ой) прокурорнинг розилиги билан озодликдан маҳрум қилиш жазосидан озод этилади.

Фармоннинг 8-моддасига мувофиқ 1-моддада кўрсатилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар /модданинг санкциясида озодликдан маҳрум этиш жазоси умуман кўрсатилмаган/ юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда қўрилмаган ишлар ҳаракатдан тугатилади.

Фармоннинг 9-моддаси асосида 1-8-моддалар талаби бўйича жазодан озод қилинмайдиган маҳкумларга нисбатан жазо муддатининг аввалги қисқартиришлар ҳисобга олинган ҳолда ўташ учун

азёзолига, миллий, ирқий адоват кўзга-тиш ва жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлари учун судланганларга /ЖКнинг 150-163, 216, 216-1, 216-2, 242, 244, 244-1, 244-2-моддалари/, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузган маҳкумларга, ўлим жазоси авф этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган шахсларга, шунингдек илгари амнистия ёки авф этиш тартибида жазо ўташдан тўла озод этилгандан сўнг яна қасддан жиноят содир этган шахсларга умуман қўлланилмайди.

Бундан ташқари Фармоннинг 1-моддаси «б» банди ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми ва 164-моддаси 4-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган аёлларга ҳам қўлланилмайди.

Фармоннинг 1-моддаси «а», «в», «г», «д», «е» бандлари ва 2-9 моддалари қуроллар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга, ЖКнинг 247-248-моддалари 2 ва 3-қисмлари/ алоқадор шахсларга нисбатан /1-модданинг «а» банди-аёллар бундан мустасно/ қўлланилмайди.

Шунингдек, 1-модданинг «а», «в», «г», «д», «е» бандлари, 2, 3, 5 ва 8-моддалар /1-модданинг «а» банди — аёллар, 4, 5, 6, 7 ва 9-модданинг «а», «б» бандлари бундан мустасно/ уюшган жиноий гуруҳлар таркибида жиноят содир этган шахсларга /ЖКнинг 167-моддасининг 4-қисми «а», «в» бандлари билан судланганлар бундан мустасно/, ўта оғир жиноятлар учун судланганларга, шунингдек, гивандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга алоқадор шахсларга /ЖКнинг 270-271-моддалари 3-қисми, 272-273-моддалари/ ва ўта хавфли рецидивистларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Ўқорида кўрсатиб ўтилганидек, жазо ўташ тартибини мунтазам бузувчи маҳкумларга нисбатан амнистия қўлланилмайди. Бу тоифага Фармон чиққунга қадар амал қилиш муддати тугамаган ёки олиб ташланмаган икки ёки ундан ортиқ интимижий жазоси бўлган, шунингдек ахлоқ тузатиш ишлари жазоси озодликдан маҳрум этиш тариқасида жазога алмаштирилган, ҳукмнинг шартлилиги

дат ўтган бўлса, қўлланилиши мумкин /озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ жойларида жазони ўташ пайтида жиноят содир этган шахслардан ташқари/.

Тошкент вилоят прокуратураси ходимлари томонидан Фармонда кўрсатилган талаблар аниқ ва ўз вақтида бажарилиши таъминлаш мақсадида шаҳар-туман прокурорлари, уларнинг ўринбосарлари ва ёрдамчилари, вилоят ва Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган жазони ижро этиш муассасалари бошлиқлари, бошқа мутасадди ходимлари, шаҳар-туман Ички ишлар бўлинмаларининг жазони ижро этиш инспекциялари ходимлари, соғлиқни сақлаш, меҳнат бошқармаси ходимлари иштирокида вилоят ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларининг кенгайтирилган мувофиқлаштирувчи кенгаши ўтказилди. Йиғилишда Фармонни бажариш бўйича аниқ чоратadbирлар ишлаб чиқилиб, ҳар қандай қонунбузилиш, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш ҳолларига йўл қўймаслик зарурлиги алоҳида таъкидланди, маҳкумларнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол қиладиган ҳолатлар, хизмат мансабидан қатъий назар, ким томонидан содир этилса қаттиқ жазога тортилиши ҳақида огоҳлантирилди.

Лекин асосий муаммо собиқ маҳкум амнистия шарофати билан озодликка, оиласи, ота-онаси бағрига келганидан сўнг, қайта жиноят йўлига кирмаслиги билан боғлиқ. Хизмат вазифам бўйича жазони ижро этиш муассасаларида бўлиб, маҳкумларнинг амнистия ҳақидаги саволларига жавоб беришга тўғри келади. Уларнинг озодлик истagan қўзларига қараб шу муаммога жавоб қидираман. Озодликка чиқиб, ота-онаси, оиласи, дўсту ёрлари бағрига қайтган собиқ маҳбуслар бағрикенг отанинг муносиб фарзандлари бўлишларига ишонгинг келади.

А.ХАЙРУЛЛАЕВ,
Тошкент вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси, адлия
катта маслаҳатчиси

ХУКУКИЙ

Маслаҳатхона

САВОЛЛАР ЖАВОБЛАР

Мен хотиним билан 1994 йили қонуний рўйхатдан ўтиб турмуш қурдик. 2 та болам бор. Хотиним менга ҳиёнат қилгач, қонуний ажрашдик. Аввалда катта ўғлимни менга ташлаб кетди. Кейин орадан 2 йил ўтиб ўғлимни боғчадан олиб кетиб қолибди. Энди болани кўрсатмай қўйди. Собiq турмуш ўртоғим алимент учун ариза бермаганини сабабли мен ҳозир алимент тўлаётганим йўқ. Агар у ариза берса мен қачондан бошлаб алимент тўлашим керак?

Жангиров Ж.
Тошкент вилояти

Оила кодекс талабига кўра никоҳ қонуний тартибда бекор қилингандан сўнг, воғга етмаган фарзандлар учун алимент тўлови тўғрисида алоҳида тартибда судга даъво аризаси берилади. Тўлов эса судга мурожаат этилган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

Хиссасдорлик жамияти директори ўз укасини кадрлар бўлими бошлиғи вазифасига тайинлаши мумкинми?

З.Каримова,
Тошкент шаҳри.

Бир корхонада бир-бирига яқин алоқада бўлган шахслар - қариндош-уруғ (ака-ука, опа-сингил ва ҳоказо) лар меҳнат фаолияти бир-бирига бўйсинув тартибда ёки бири иккинчисининг назорати остида бўлмаслиғи лозим. Бундай тартибнинг бузилиши меҳнат кодексининг талабига зид ҳисобланади. Агар бу корхона хиссасдорлик жамияти бўлса, унда корхонанинг бошқарув тартибини хиссасдорлик жамияти бошлиғи эмас, балки акциядорларнинг ўзлари ҳал этадилар. Корхона бошқарув фаолияти билан боғлиқ қарорлар ҳам акционерларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Бу ҳолат хиссасдорлик жамиятининг низомиди кўрсатиб ўтилади. Агар Низомда айрим масалалар хиссасдорлик жамияти раиси томонидан ҳал этилиши қайд этилган бўлса ва бу акциядорлар томонидан маъқулланган бўлса, қонунга зид бўлмайди.

Мен яқинда бир қизик воқеага дуч келиб қолдим. Шу йилнинг 6 июль кўни эрталаб ҳовлисимизга бир бегона мол кириб қолибди. Қизиклигини сўраб сўриштирдим, лекин эгаси топилмади. Эгаси чиқиб қолар, деб ўйлаб сақлаб турдик. Орадан бир ойна вақт ўтгач, бир одам икки нафар милиция ходими билан келиб молни олиб кетишди. Мен эса ўзи келиб қолган молни сақлаб турганим етмагандай, ўйрига чиқиб қолганимга сал қолдим. Қўшниларимнинг гувоҳлиги билан қўмулиб қолдим.

Қонунда мен тушган вазиятлар ҳам тилга олинганми? Бундай ҳолатда нима қилиш керак?

З.Ортиков,
Андижон вилояти.

Бу каби ҳолатлар Фуқаролик кодексда белгиланган қондалар асосида тартибга солинади. Қаровсиз ёки адашган чорва молларини ёҳуд шунга ўхшаш уй ҳайвонларини тутиб олган шахс унинг (ёки уларни) эгасига қайтариш чораларини кўриши шарт. Бунинг учун нима қилиш керак? Агар тутиб олинган ҳайвоннинг эгаси қимлиги ёки унинг қаердалиги номалум бўлса, тутиб олган шахс ҳайвон тутиб олинган пайтдан бошлаб уч кун ичида бу ўғрида милицияга ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига хабар қилиши шарт. Ҳайвоннинг эгасини қидириш чораларини эса ушбу органлар кўради.

Эгаси топилганига қадар тутиб олган шахс ҳайвонни ўзи сақлаб туриши, агар имконияти бўлмаса бундай шарт-шароитга эга бўлган шахсга ўзи ёки юқоридаги органлар орқали топшириши лозим.

Ҳайвонлар сақлаб турган шахс ҳайвоннинг бус-бутун сақлиниши таъминлаши шарт. Агар ҳайвон енгиб бўлмаса куч туфайли нобуд бўлса ёки шикастланса, жавобгарлик белгиланмайди.

Маълум муддат давомида сақлаш ва парваришлаш учун қилинган барча харажатлар ҳайвоннинг эгаси томонидан қопланади.

Мен бирга савдо-сотиқ қилайдиган дўстим билан уй сотиб олган эдим. Ундан уч йил давомида бирга фойдаланиб келдик. Лекин кейинги пайтларда у билан шу уй масаласида келишаолмай қолдик. Менинг бошқа борадиган жойим йўқ. Шунинг учун унга бошқа уй олиб бер десам, у уйни олишда берган пулигини бераман, деб айтмапти. Ҳозир эса уйларнинг нархи қимматлашган. Мен нима қилай?

Р.Қурбонов,
Тошкент шаҳри

Уй-жой кодекси талабига кўра ҳусусийлаштирилган квартира ёки уйда турар жой эгалари бирга яшаш ва мазкур уйдан фойдаланиш юзасидан ўзаро келишаолмай қолсалар, манфаатдор томоннинг мурожаати асосида низои суд орқали ҳал этиш лозим.

Суд ўз қарори билан уй эгаларидан бирини кўчириб, иккинчисининг зиммасига кўчирилаётган шахсга унинг тегишли қисми учун пул ёки унга тенг қийматдаги турар-жой сотиб олиб бериш мажбуриятини юклashi мумкин. Агар пулни тўлаш мажбурияти юкланаётган бўлса бунда суд шу пайтдаги бозор баҳосидан келиб чиқади.

Шунингдек, уйдан фойдаланиш давомида қилинган бошқа барча харажатлар юзасидан келиб чиққан низолар ҳам суд орқали ҳал этилади.

БҲР ВА ҚОНУН

1 сентябрь куни халқимиз буюк байрам — мустақиллигимизнинг 9 йиллигини қувонч, гурур, шукроналик ҳисси билан қутиб олди. Энди биз XXI аср арафасида алоҳида сана — Истиқлолнинг ўнчинчи йилида яшамокдамиз. Утган давр ичида Ўзбекистон эришган ютуқлар дунёнинг кўпгина давлатлари томонидан тан олинди. Бироқ бу ҳамма бизга дўстлик назари билан қараётти, дегани эмас. Кейинги пайтларда дунё сахнида «барқарор давлат» деб ном олган Ўзбекистон тинчлигини бузишга уринишлар бўлдики, бу ўтган йили пойтахтимиз Тошкентда содир этилган портлашларда, шу йил август ойда мамлакатимизнинг Узун ва Саросиё туманлари ҳудудига бир гуруҳ террорчиларнинг суқилиб киришларида ўз ифодасини топди.

Ўзларини «ўзбек мухолифати» деб атаётган бу жиноятчилар гуруҳи Ислам динини дастак қилиб олиб, хориж матбуотида азгул ҳақида сўзлаб, аслида бегуноҳ инсонларнинг қонини тўкиш, мулкни талон-тарож қилишдан нарига ўтмаётдилар. Агар улар, яъни ўша «мухолифатчилар» ўзларини Ватан учун, халқ бахти, тинчлиги, фаровонлиги учун курашаётган деб ҳисобласалар, Ўзбекистонга милит қўтариб эмас, олижаноб гоёлари, дастурлар билан келар эдилар. Афсуски, амалда ундай бўлмади. Нафакат Ўзбекистон қонунлари, балки халқ-аро ҳуқуқ нормаларига зид равишда улар томонидан юқорида тилга олинган хунрезликлар содир этилди. Озод Ўзбекистоннинг бу фукароси сифатида жиноятчиларнинг бу қилими ададсиз нафратга лойиқ деб биламан. Ҳен нимадан хабарсиз, Мустақиллик майдонида тушган суратини олиш учун кетаётган қурбон бўлган талаба қиз ...нинг масъум нигоҳи, Сурхондарё тоғларида ногоҳ пистирмага дуч келиб,

АСР АРАФАСИДА

дўстларини қутқариш илнжиди ўзини ўққа тутиб берган лейтенант ...нинг безовта руҳи «худди шундай бўлиши керак» деб тургандек. Рос-тдан ҳам халқ нафрати чексиз экан-ки, Бўстониқдаги, Сурхондарёдаги террорчилар ер билан яқсон қилинди. Телевизордан ҳалок бўлган террорчиларнинг жасадларини кўрсатишаркан, мурти энди сабаза урган ёш-ёш йигитларнинг беҳуда кетган умрига ачинасан киши. Сизу бизнинг болаларимиз каби уларнинг ҳам ўзбек эканлиги, айниқса, юракка огир ботади.

Шундай қунарлада давлатимиз раҳбарининг «Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиний жавобгарликдан озод этиш тўғрисида» фармон чиқарганлиги (6.09.2000) айни муддао бўлди. Инсонпарварликнинг олий даража-

сини ифодаловчи бу фармон қўшни давлатлар ҳудудидидаги террорчи гуруҳлар таркибига адашиб, уларнинг пуч ваъдаларига учиб кириб қолган, огир жиноят содир этмаган, Ватанга, ота-онаси бағрига қайтиб, тинч ҳаёт кечиришни ният қилган шахсларга яна бир бор имконият бериш, уларнинг беҳуда қурбон бўлишига йўл қўймади мақсадида қабул қилингандир.

Инсон адашади, хато қилмаган одам йўқ. Бироқ «хато қилдим, энди

барибир мени кечиришмайди» деган ўқар андишадан, хатоми тан олиб, юртга бош эгиб келиш авло-рок. Доно халқ лўнда қилиб айтиб қўйибди: «Этилган бошни қилич кес-мас» деб.

Ҳадемай XXI аср бошланади. Ўзбекистоннинг шундай халқпарвар раҳбари, мард ўғлонлари, меҳнат-каш, меҳмондўст, бағрикенг халки бор экан, келаятган аср Ўзбекистон асри бўлишига ишонаман. Бошқалар ҳам амин бўлиши керакки, бунга террор, қиргин, қўқув билан эмас, тинчлик, тотувлик, тинимсиз меҳнат билан эришиллажақ.

Р.АХМЕДОВ,
Ўзбекистон ҳарбий
прокурорининг ёрдамчиси,
адлия подполковниги

СУД ҲУҚМИДАН СЎНГ

«БИЗ ИШЛАДИК. МАОШИМИЗНИ БЕРИНГ»

Бугуннинг раҳбари қандай бўлиши керак? Бу саволга кўпчилик аввало тадбиркор бўлиши лозим, деб жавоб бериши табиий. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида раҳбар ишбилармон бўлмаса, корхонаси банкрот бўли-ши, ходимлари ишсиз ва маошсиз қолиши муқаррар. Аммо, Сирғали туманидаги 165-ММК очик турдаги хиссасдорлик жамияти раиси Тўра Жўраев буни қалбдан ҳис қилимади. Оқибат жамоада юзи шувит бўлди. Унга юксак ишонч билдириб катта корхонага раҳбарликка тайин-лашганда ширин халёга берилиб, «энди ҳамма ишлар-ни қойил қиламан» деб ўйлаганди. Бироқ, уйдаги гап кўчадагисига тўғри келмай қолди. Тўра акани мансаб-нинг ҳавоси қўтарди, шекилли, елиб-юғуриб ишлаш ўрнига совуққонликка берилиди. Кўпроқ ишчиларни эмас, ўзининг манфаатини ўйлай бошлади. Оқибатда корхо-нада иш олдинга кетиш ўрнига орқага силжиб, қарзлар «бололай» бошлади. Хуллас, Тўра ака ўз лоқайдлиги туфайли ишда қалавининг учини йўқотди.

1999 йилнинг сентябрь ойига қадар корхонанинг кредиторий қарзлари 11 миллион 244 минг сўмни, муддати ўтгани эса 10 миллион 495 мингга ташкил қилди. Бу ҳам етмагандек, кейинги пайтларда Тўра акадан жамоа норози бўлиб, унинг қабулхонасида тур-накатор бўлиб турадиган бўлишди. Ишчиларнинг эса талаби битта: «Сиз раҳбарсиз. Биз ишладик, маоши-мизни беринг». Талаб ҳақли. Ишлаган ишчи ҳақини олиши керак. Унинг ҳам рўзғори бор. Маошдан эса дарақ йўқ. Чунки корхона қўлогича қарзга ботиб бўлганда. Ўз ишига совуққонлик 165-ММК корхонаси бошлиғи Тўра Жўраевни суднинг қора курсисига етак-лаб келди.

Суд мажлисида сўз олган корхона бош ҳисобчиси Р.Клетушкина шундай деди:

1999 йилнинг сентябрь ойигача иш ҳақи бўйича

қарзларимиз 1 миллион 818 минг сўмни ташкил этар-ди, шундан 645507 сўмни натура тарзида товар ҳисоби-дан узбуг. Бироқ Тўрага келиб корхонамиз фаолиятини тўхтат-ди.

Р.Клетушкина бу сўзларни судда шунчалар лоқайд-лик билан гапирдики, гўёки корхонанинг қарз ботқоғига ботишда ўзининг айби йўқдай. Аслида бош ҳисобчи ҳам корхонанинг ҳисоб-китоби учун жавобгардир.

— Бугунги кўннинг раҳбари ишнинг қўзини билиши керак. Акс ҳолда бизнинг корхонага ушба қарзга боти-ши мумкин. Мен шу корхонада бўёқчи бўлиб ишлайман. Кейинги пайтда корхонамизга кўз тегди. Маошларни ўз вақтида ололмаганмиз, деди суд мажлисида сўз олган Г.Мурасова. Йўғон қўзилиб, ингичка узиладиган даврда маошсиз яшашнинг ўзи бўладими? Раҳбарларимиз бизни тушунса яхши бўларди.

Сирғали туман суди 165-ММК очик турдаги хисса-дорлик жамияти раиси Тўра Жўраевнинг раҳбарлик фаолиятидаги нуқсонларни ўрганиб чиқиб, унга нисба-тан қонуний фикрларини айтди.

Жамиятда ҳар бир инсоннинг ўрни бор. Кимдир раҳбарлик ишини қойил қилса, яна бир инсон боғбон-ликни ўз ўрнига қўяди. Яна бир одам эса ...Хуллас, ҳар бир инсон ҳаётда ўз ўрнини топса, жамият ютади. Агар бирин инсон ҳаётда ўз иқтидори бўйича ўз жойини топмаса ундан нафакат ўзи, балки бошқалар ҳам озор кечиши мумкин. Бироқ айрим кимсалар ҳаётда бир умр амалга интилиб яшайди, ўзида ташкилотчилик, тадбир-корлик қобилияти етишмаслигини ҳис қилмайди ва тан олмайди. Оқибатда ўзи раҳбарлик қилаётган жамоани банкротликка олиб келади.

Азизбек УСМОНОВ,
Сирғали туман прокурори ёрдамчиси

«Қонун амал қилган жойда муваффақият бўлади». Бухоро вилояти прокуратурасининг умумий назорат бўлими проку-рорлари ана шу сўзни ўзларига дастурамал қилиб олишган. Шу боис вилоятда ташкилотлар ўртасидаги дебитор ва креди-тор қарзларини тез-тез таҳлил қилиб туришади.

Суратда: И. РАҲАБОВ, О. НАЗАРОВ, Н. НАЗАРОВ ва О. ИZZАТУЛЛАЕВлар (чапдан ўнгга) иш устида.



Қ А Р З

У АСЛИДА КИМНИКИ?

(Давоми. Бошланиши 1 - бетда)
шаклида фаолият кўрсатмоқда. Бу кўлга киритилган ижода йўтуқ, албатта. Эндикда уларнинг ўзаро биргаликдаги фаолиятини изчил йўлга қўйиш долзарб бир масалага айланмоқда. Тўғри, бир қарашда жиддий муаммо йўқдек туюлади. Лекин ҳамма гап бу муносабатларга янги раҳ бағишлаш, бу муносабатларни фақат ва фақат маданиятчи бозор иқтисодиёти талаблари даражасида тобора юксалтириш борасида кетмоқда. Кейинги вақтда мамлакатимиз раҳбарияти томонидан бу масалага катта эътибор билан қаралмоқда. Оммавий ахборот воситаларида ҳам йўл қўйилаётган камчиликлар батафсил таҳлил қилиб берилди. Келинг, биз ҳам шундай муаммолардан бирига баҳоли қудрат тўхталиб ўтсак.

Мамлакатимиз Президентини кўп бора таъкидлаган «ислохотлар ислохотлар учун эмас, тараққиёт ва фаровонлик учун» ҳизмат қилиши кераклиги юз бераётган ўзгаришларнинг мақсадини ифодалайди. Лекин ўзгаришларда ўша мантиққа қанчалик амал қилинмоқда? Яқинда хизмат юзасидан Республика Деҳқон ва фермерлар уюшмасида бўлдим. Уерда Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги бир гуруҳ фермерлардан келиб тушган бир ариза эътиборимни тортиди. Бу аризада мамлакатимиз ҳукумати томонидан фермерларга берилаётган имтиёзлар, ёрдамлар учун миннатдорчилик билдирилади. «Фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда туман ҳудудидидаги ширкат ва ижара хўжаликларига нисбатан бир неча баробар юқори ҳосил етиштирмоқдалар», деб таъкидланади аризада. Лекин аризанинг мазмуну бу ҳақда эмас. Аризанинг айнан шу жойидан кўчирма келтиришни лозим деб топдим:

«Республика молия вазирлигининг 2000 йил 4 майдаги 60-рақамли буйруғи бўйича мулк шакли ўзгараётган хўжаликларнинг кредитор қарзларини янгида ташкил этилаётган фермер хўжаликларига тақсимлаш кераклиги кўрсатиб ўтилган бўлиб, ҳозирги вақтда туманимиз ҳудудидидаги банклар бу буйруқни асос қилиб, фермер хўжаликларини ушбу кечиктирилган кредиторлик қарзларини солиштирма далолатнома асосида қабул қилиб олгунга қадар ҳисоб-китоб рақамларини банкларда очмайптилар. Янгида ташкил этилган фермер хўжалиги ўзига берилган ташландик, рентабеллиги паст бўлган ерларни ўзлаштириб олишга озмунча куч ва маблағ сарф қиладими, бунинг устига 1990 йилдан бери сақланиб келаётган тумандаги мазҳуд 20 та ижара ва жамоа хўжаликларининг 771 миллион 846 минг сўм қарзи янгида ташкил этилган, илк қадам қўй бошлаган фермер хўжаликларининг зиммасига юклатилмоқда. Ахир хўжаликларнинг қарзи 1990 йилдан буён сақланиб келаётган бўлса, бизнинг айбимиз нима,

бу амалдаги қайси бир қонунларимизга тўғри келади».

Очик гап, бу аризада келтирилган фактларга бошқа ҳудудларда ҳам дуч келгандим. Айтмоқчиманки, ширкат ва бошқа шаклдаги хўжаликларнинг кредиторлик қарзларини янги очилган фермер хўжаликлари зиммасига ўтказиш ҳодисаси республикаимизнинг турли ҳудудларида ҳақиқатан ҳам юз бермоқда. Ишининг бу тахлит юз бериши амалдаги қонунларимизга нечоғлик мувофиқ, эркин тадбиркорлиқни ривожлантириш мантқиғига қанчалик мос, қолаверса, оддий инсоний адолат меъёриларига қай даражада тўғри келади?

Собиқ «совхоз, колхоз» деб аталган, ҳозирги ширкат, ижара хўжаликларининг амалда улкан кредиторлик қарзлари мавжудлиги сир эмас. Бу қарзлар қаердан келиб чиқди, бу қарзларнинг вужудга келишига нега йўл қўйилди? Таҳлиллар шуни кўрсатадики, хўжаликлар қарзларининг асосини иш ҳақидан, пенсия жамағамаларидан, ёнилғи, ўғит, уруғлик каби таъминловчи корхоналардан, банк суддаларидан, сув таъминотидан ва ерни ишлашда техник хизмат кўрсатувчи корхоналардан қарздорлик ташкил этади. Адолат нуқтаи назаридан қараганда юқорида келтирилган қарздорликни келтириб чиқарган сарф-харажатлар муайян муддатга оид маҳсулот ишлаб чиқаришни ёки молиявий тил билан айтганда жорий муддатда молиявий натижа (фойда) олишни мўлжаллаб амалга оширилган. Худди шу ерда мулкка бўлган эскича муносабат, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга масъулиятсиз муносабат тўғрисида сарф-харажат қопланмай қолаверган. Бу фикрни исботлашнинг кўп ҳам ҳолати йўқ. Исталган ширкат хўжалиги билан фермер хўжалигининг мулкка муносабати, масъулиятини солиштириб кўриш фиёя. «Фермер хўжалиги» тўғрисидаги қонунга биноан ерлар фермер хўжаликларига кам рентабелли ерлардан ажратилади. Лекин шунга қарамадан 90 фоиз фермер йил якунларига қўра қарз билан эмас, балки молиявий фойда билан чиқишмоқда. Шундай экан, фермер хўжаликларида тадбиркорлик шакллари амалда қўллаб-қувватлаш мантқиғи билан қилинган иш бўларди. Ва шундай қилинмоқда ҳам. Жорий йилда қўллаб фермер хўжаликлари очилди, улар микрокредитлар билан таъминланмоқда, солиқ имтиёзлари берилди ва ҳоказо. Лекин юқорида келтирилган хўжаликларнинг қарзлари фермер хўжаликлари зиммасига ўтказилаётганлиги бизнинг назаримизда бирмунча

мунозарали масаладир. Мулк шакли ўзгараётган хўжаликларнинг кредиторлик қарзларини фермер хўжаликларига тақсимлаш масаласи қишлоқ хўжаликларини санация қилиш масалалари ва қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш комиссияси томонидан бир неча бор қўриб чиқилган. Хусусан, комиссиянинг 2000 йил 7 апрелдаги кенгайтирилган мажлисида (03-19-98 баён, 2-банди) ҳам шу масала қўриб чиқилган эди. Худди шу баённомага биноан Республика молия вазирлигининг 2000 йил 4 майдаги 60-сон буйруғи жойларга жўнатилади. Айнан шу буйруқ янги очилган ва очилаётган фермер хўжаликларига оммавий равишда (!) хўжаликларнинг кредиторлик қарзларини тақсимлашга сабаб бўлди.

Хўжаликларнинг манба билан қопланмаган кредиторлик қарзларини фермер хўжаликларига тақсимлаш юқорида тилга олинган комиссия томонидан 2000 йил 22 мартда унинг Сирдарё вилоятидаги кўчма мажлисида, август ойида бўлиб ўтган йиғилишида ҳам қўриб чиқилди. Бу йиғилишларда қандай қарорга келинди?

22 майда бўлиб ўтган йиғилиш баённинг 8-бандида санацияга тушган хўжаликларнинг бир қисм ерларини фермер хўжаликлари ташкил этиш учун бериш лозимлиги, бунинг учун уларнинг манба билан қопланмаган кредиторлик қарзларини ер майдонида нисбатан тақсимлаш ва амалдаги қонунчиликка риоя қилиш шарт эканлиги белгиланган. Ушбу банд фақатгина Сирдарё вилоятидаги хўжаликларга тегишлилигини ҳам биз ушбу ҳужжатдан биламиз.

Ҳукумат комиссиясининг август ойида бўлиб ўтган йиғилишида хўжаликларнинг кредиторлик қарзларини фермер хўжаликларига тақсимлаш тартибини ишлаб чиқишга қарор қилинган.

Яна ўша савол туғилади: фермер хўжаликларига ширкат хўжаликларининг қарзларини тақсимлаш қонунларимизда қанчалик акс этган? «Фермер хўжалиги» тўғрисидаги қонунда бундай мажбурият кўзда тутилмаган. Қонун мазмунидан келиб чиқадики бўлса, фермер хўжаликлари алоҳида юридик шахс сифатида ўз мол-мулки ва мажбуриятларига биноангина жавобгар бўладилар. Шунингдек, қонунда давлат фермер хўжаликлари мажбуриятлари учун, фермер хўжалиги эса давлат мажбурияти учун жавоб беришга белгилаб қўйилган. Фуқаролик Кодексининг 50-моддасида юридик шахсларнинг мол-мулки ва мажбури-

ятларининг тақсимланиши белгилаб қўйилган. Лекин унда бирон-бир юридик шахснинг бўлиниб кетиши, юридик шахсдан бошқа бир юридик шахснинг ажралиб чиқиши, бир юридик шахсдан янги юридик шахснинг вужудга келиши ҳолатларига назарда тутилган. Янги ташкил этилаётган фермер хўжаликлари алоҳида мустақил юридик шахслар сифатида фаолият кўрсатадилар. Уларни ширкат хўжаликлари негизидан ажралиб чиққан дея олмаймиз. Чунки ширкат хўжалиги билан фақатгина ижара шартномаси ва бошқа хўжаликлараро шартномалар билангина боғлиқлик бор. Фақатгина ширкат хўжалигининг буткул парчалаб ташланиши ва унинг мол-мулкнинг фермер хўжаликларига тақсимланиши фуқаролик кодексининг айнан шу бандига мос келади. Баъзида фермер хўжаликлари ширкат хўжалигининг вориси деб эълон этилади ва унинг барча мажбуриятлари ҳам тақсимланади. Шунингдек, фермер хўжаликлари ширкат хўжаликларида ажралиб чиққан юридик шахс деб юридик мақом бериш ҳам, уларни ширкат хўжаликлари қошида ташкил этилган юридик шахслар деб таъкидлаш ҳам қонун моддаларига мос эмас.

Энди ушбу масала оддий инсоний адолат меъёриларига мосми, деган саволга жавоб бериб қўрайлик. Янги тузилган чақалоқ улғайиб ҳаётда ўз ўрнини топиб кетиши учун уни авайлаш, кўмак бериш керак. Бунинг акси бўлса-чи? Мана, фермерларнинг ўзидан ҳам бу ҳусусда эшитинг:

Х.ЖЎРАБЕКОВ, «Достон» фермер хўжалиги раиси (Меҳнатобод тумани):

— Биз агар қарзларни зиммамизга олмас эканмиз, фермер хўжалигини очишга рухсат бериб берилганини айтишди. Мажбур бўлдим, ширкатнинг 1 миллион 366 минг сўм қарзини тўлаш мажбуриятини олдим.

САДРИДДИН БОБОЖОНОВ Ховос тумани «Насруллахон» фермер хўжалиги раиси:

— Фермер хўжалиги 1999 йилда ташкил этилган. Ширкат хўжалиги 1 миллион 500 минг сўм қарзини «акт сверка» орқали ўтказди. Лекин бу қарзларни мен ўз балансимга киритмадим. Сабаби, бу қарзларнинг келиб чиқишида юридик шахс сифатида меннинг ҳеч қандай иштироки йўқ. Таъминотчи ташкилотлар томонидан келтириб чиқарилган ва бошқа қарзларга сабаб бўлган манбалар билан меннинг қанчалик алоқам бор?

Аслида ҳам тўғри. Бошқа бир мустақил юридик шахс уруғлик, ёнилғи, ўғитни қарзга солиб олса, банкдан кредит олиб уни сарфлаб зарар кўрса, кре-

дитор ҳолатига тушиб қолса, унинг қарзини мутлақо бошқа бир юридик шахс зиммасига юклаш адолатдан бўладимикин? Фақатгина Сирдарё вилоятининг Пахтаобод хўжалиги сингари хўжалик буткул тарқатиб юборилса ва мол-мулки тақсимлаб берилсагина бу ҳолат юридик жиҳатдан тўғри деб баҳоланиши мумкин.

Мана бир мисол. Ховос тумани Фарҳод ширкатлар уюшмасининг 2000 йил 13 мартдаги 93-сон қарорига биноан Сами Раупов томонидан ташкил этилган «Зарқалол» фермер хўжалигига 54902 сўм актив, 1.987.210 сўм пассив қарзлар ўтказилиш белгиланган. Лекин кейинчалик тузилган бўлиниш балансига мувофиқ 3 миллион 235 минг сўм қарз ўтказиб берилган. Айтмоқчиманки, ширкат хўжалиги раҳбарияти томонидан хўжаликларнинг қарзларидан «кутулиб олиш»да бундай вазиятлардан фойдаланиш ҳолатлари ҳам юз бериши эҳтимоли бор.


Жойларда фермер хўжаликлари қарзларни тақсимлашнинг оммавий равишда авж олишига қарамадан Адлия Вазирлиги ва жойлардаги бошқармалар, хўжалик судлари бу масала юзасидан ўз муносабатини билдирганича йўқ. Фақатгина Сирдарё вилояти прокуратураси томонидан бу масала юқори ташкилотларга ўрганиб чиқиш учун тақлиф тарикасида юборилган эди.

Қарзлар тақсимланиши ҳолатини Меҳнатобод тумани бўйича таҳлил қилиб чиқайлик.

Тумандаги саккизта хўжалик ерларининг бир қисмида уч юздан зиёд фермер хўжалиги ташкил этилган. Уларга жами 940 миллион сўмдан ортиқроқ қарзлар тақсимлаб берилган. Ушбу қарзларнинг 830 миллион сўмдан ошқирғини манба билан қопланмаган қарзлар ташкил этади.

Фақатгина 64 миллион сўмлик ўтказилган қарзни туғалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари ташкил этади. Яъни бу қарзлар фермер эгаллик қилаётган ернинг ҳақиқий харажати бўлиб, бу маблағ ўғит, уруғлик, ёнилғи каби харажатларга сарф қилинган бўлса-да, унинг ҳосилини бевосита ҳақиқатан ҳам фермер хўжалиги ўз ҳисобига олади. Шу боисдан бу қарз қонуний ўтказилган. Шунингдек, хўжаликнинг 2000 йилдаги 56 миллион сўмлик инфратузилма қарзлари ҳам фермер хўжаликларига ўтказиб берилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, эркин тадбиркорлиқни ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган бу тахлит муаммолар барчамизни ўйлантириши лозим. Юқорида келтирилган муаммога ҳуқуқ-тартибот идоралари ўз муносабатларини билдиради, деб умид қиламиз. Эҳтимол, ширкат хўжаликларининг қарзларини туғатишнинг бошқа бир ечимлари топилиб қолар...



МУҚАДДАС ШАҲАРДА ЯНА НОТИНЧЛИК

Қуддусда яна тўқнашувлар бошланиб кетди. Жума кўни Исроил полицияси билан бўлиб ўтган тўқнашувда палестинлик (араблар)лардан 4 киши ўлдирилган ва 90 дан ортиқ одам жардор қилинган.

Тўқнашув Ал-Ақсо масжидига жума намози-ни ўқиш учун кўп сонли мусулмонлар йиғилган пайтда бошланган. Мухторият берилишининг пайсалга солинишидан норози палестинликлар учун Исроил ҳудудий экспансияга қаршиликларни олиб олиш Исроилнинг Қуддусдаги мусулмонлар учун муқаддас саналган жойлардан бирига ташириш био тўқнаш бўлди. Би-би-си мухбири Шароннинг ташириш Исроил томонидан 1967 йилда босиб олинган муқаддас ерларни дахлсиз ерлар дея белгилашга ури-



ниш эди, деб баҳолаган. Маълумки, 1947 йилда Палестин устидан Англия мандати бекор қилинган, бу ҳудудда 2 мустақил давлат-Палестин(араблар) ва Исроил(яхудийлар) давлатлари ташкил топиши керак эди. Бу БМТ қарори бўлиб, унда араб ва яҳудий давлатлари ташкил этилиши керак бўлган ҳудудлар белгилаб қўйилган эди. Лекин Палестин ҳудудига араб давлати тўғрисида. 1948 йилнинг майида эса Исроил давлати ташкил топди ва 1948-1949 йиллардаги исроил-араб уруши даврида Палестин араблари қарашли ҳудудларни эгаллаб олди. Мана орадан ярим аср вақт ўтдики, палестин диний миллий-этник моҳирларнинг ўчоғи бўлиб келмоқда. Бу минтақада тинчлик ўрнатилишига бўлган ягона умид Палестинга мухторият берилиши керак бўлган 13 сентябрдан кейин яна сўниб бормоқда. Чунки томонлар ўртасидаги Қуддус шаҳрининг мақомини белгилашда бир тўхтама келинмади. Айтиб ўтиш керак, нафақат араблар, нафақат мусулмон олами, балки бутун жаҳон жамоатчилиги ўша санини низолағар, бегуноҳ кўн тўқнашларига маълум маънода нуқта қўйилмаганди кўн сифатида кутган эди, десак, адашмаган бўламиз.

Умуман олганда, Якин Шарк, (аслида бу атамга гарбча тақин) хусусан, Қуддус шаҳри тарихдан маълумки, эидиялар объект бўлиб келган. Уч дин вакиллари манфаатлари келишган минтақа ўзининг стратегик аҳамияти билан ҳам буюк давлатлар эътиборини доимо торттиб келган.

Қуддус шаҳри мақоми ҳақида томонлар бирор-бир ҳужайи фикрга келмас эканлар, тўқнашувлар бўлган топиши ҳақида бир нарсга дейиш қийин. Маълумот учун шунки айтиб ўтиш жоизки, 1950 йилда Исроил БМТ резолюциясига эид равишда Қуддусни ўз давлатининг поитхати деб эълон қилинганда ҳеч бир давлат бунга тан олмаган эди.

Ш. ЁДГОРОВ

ЮГОСЛАВИЯДАГИ САЙЛОВЛАР КОШТУНИЦА ПРЕЗИДЕНТ БЎЛАДИМИ?

Сиёсат оламида ўтган ойнинг энг эътиборли воқеаларидан бири — Югославия парламенти ва президентлигига ўтказилган сайловлар бўлди, деб бемалол айтиш мумкин. Бугун дунёнинг диққат-эътиборини жалб қилган мазкур сайловларда бешта номзод орасида жаҳон жамоатчилиги томонидан инсониятнинг душмани сифатида тан олинган диктатор — айна пайтдаги Югославия президенти Слободан Милошевич ёки муҳолифат вакили, демократик кучлар томонидан номзод — Воислав Коштуничи президентлик курсисини учун курашда қўлиб чиқиши кутилаётган. Бироқ мазкур сайловларда кўпчилик тахмин қилганидек натижа кузатилмади. Муҳолифат, яъни Югославия демократик кучлари вакили Воислав Коштуница 48,9 фоиз, Слободан Милошевич эса 43 фоиз овоз олишга эришди, ҳолос. Бироқ ҳар иккала томон тарафдорлари ўз номзодларининг ғалабасини нишонлаш билан овора. Югославия конунларига кўра номзод сайловда 50 фоиздан зиёд овоз тўпламас экан, у президентлик курсисига ўтира олмайд. Сайловларнинг биринчи тури Югославия раҳбарини аниқлаб бера олмади. Иккинчи тур сайловлари эса 8 октябрда ўтказилиши режалаштирилган.

Жаҳоннинг бир қатор нуфузли ташкилотлари Югославиядаги сайловларга жиддий эътибор қаратмоқда. Жумладан, «Лондон таймс» газетасининг маълумотида кўра, Британия ташқи ишлар вазирлиги, Европа Иттифоқи югославияликларга қимми сайлаш ҳақида бирор-бир қарор эълон қилмаганини таъкидлагани ҳолда, агарда мамлакат аҳолиси Слободан Милошевични мазкур сайловда ҳокимиятдан маҳрум этса, Югославияга нисбатан қўлланилаётган санкциялар олиб ташланишини ва Европа Иттифоқи мамлакатни қайта тиклашда ҳар қандай ёрдамни аямаслигини маълум қилган. АҚШ давлат департаменти ҳам сайловлар жараёни ва натижаларини диққат билан кузатишмоқда. Америка ҳукумати ҳам сайловда ўзининг иштироки йўқлигини таъкидлагани ҳолда, Милошевичнинг рақибларига 7 миллион АҚШ доллари миқдориди молиявий ёрдам кўрсатажани маълум қилган. (Мана сизга ҳолатлик!) Бироқ, ғолибнинг қимлиги номаълум бўлган, ҳозирча бу «халис» ёрдам маблағи ҳам эгасини тўламапти. «Лондон таймс» газетаси мухбирининг сўзларига кўра, ўзга давлатлардаги сайловлар жараёнига АҚШ ва Европа Иттифоқи томонидан бунчалик қизиқиш ҳали кузатилмаганди.

Умуман, Югославиядаги сайловлар бугун бутун дунё оммавий ахборот воситаларининг асосий мавзусига айланган. Британияда чиқадиган яна бир газета — «Файненш таймс» мазкур сайловларни Югославия халқи учун зolim раҳбардан қутулишининг яхшигина имконияти сифатида баҳолади. Ҳарб мазкур сайловда демократик кучлар вакили Воислав Коштуничи ғалабасига умид қилганди. Юқорида таъкидлаганидек, Милошевич ўз ўрнидан кетмас экан, Югославияга қўлланилаётган сиёсий ва иқтисодий санкциялар бекор қилинмади. Масаланинг яна бир жиҳати бор. Хўш Милошевич сайловларда мағлуб бўлди ҳам дейлик, у ҳолда Милошевичнинг ишини қайси суд қўриб чиқар экан? Белград судими ёки Гаагадаги халқаро трибуналими?

— Бу мавзуга чуқурроқ назар ташласак, Югославия ҳукуматининг ҳам Гарбодаги кўпчилик давлат раҳбарларни устидан жинойи иш қўзғат-

ганлигини кўраимиз. Ҳарб матбуоти бу ҳақда маълум қилар экан, бундай миқсдаги жинойи иш ҳали кўрилмаганини алоҳида таъкидлайди. Белград округ маҳкамаси Ҳарбининг 14 нафар давлат раҳбарларини 20 йилга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида қарор чиқарган, албатта бу сиртдан. Белград округ маҳкамасининг бу қарорига АҚШ президенти Билл Клинтон, унинг француз ҳамкасби Жак Ширак, Буюк Британия бош вазирини Тони Блэр, Германия канцлери Герхард Шрёдер ҳамда НАТОнинг собиқ раҳбари Хавьер Соланалар алоҳида тилга олинган бўлиб, улар ортидан халқаро қидирув эълон қилинган. (Ҳарчи улар ҳеч қарда яшириниб юришмаган бўлса-да). Бир ҳафтадан кўпроқ вақт қўзилган суд жараёни мазкур давлат раҳбарини Югославияга нисбатан агрессиянинг асосий сабабчилари сифатида тан олган ва уларни инсониятга қарши жинойатда айблаган. Маҳкама раиси Веролоб Ракетич судланганларнинг адвокатларига уларнинг ҳимоясидаги давлат раҳбарларига халқаро қидирув эълон қилинишини айтиб, яна шунки ҳам маълум қилганки, судланганлар маҳкамага келмаганларни учун жарима солинади ва агарда жарима суммаси икки ҳафта мобайнида келиб тушмаса бу иш билан махсус вакил шуғулланади. Суд олдида Белград округ прокурори барча судланувчиларга қачирув қозғош жўнатган экан.

Клинтоннинг адвокати процесс якунидан сўнг, ўз ҳимоясидаги шахсининг маҳкама қарори юзасидан шикоят қилишини айтган. Франция раҳбарининг ҳимоясига эса журналистларга бу шафқатсиз қарордан норози эканлигини билдириб, француз сиёсатчилари Югославияга қарши уруш даврида бошқаларга нисбатан анчайин юмшоқроқ муносабатда бўлганлигини таъкидлади.

Яна сайловлар мавзусига қайтаимиз. Югославия бош вазирини Момир Булатовичнинг сўзларига кўра, агарда сайловларда Милошевич ютқазган тақдирда ҳам конституцияга мувофиқ тўрт йиллик муддат тағуғчига, яъни кейинги йилнинг ёзида қадар президентлик лавозимини сақлаб қолади. Югославия армия кўмондони генерал Небойша Павкович мамлакатдаги сайловларга четдан аралашув бўлиши мумкинлигини, сайлов мобайнида армия ҳеч қайси томон манфаати учун ҳизмат қилмаганлигини ўқитиб ўтган. Сайловларда Милошевич ғалаба қилмаганди бўлса, сайлов натижаларини тан олинмаслигини айтган кўпчилик Ҳарб сиёсатчилари эндиликда зўр бериб сайловларда қинғирликлар бўлганлигини, аслида Коштуница етарли овоз тўплаганлигини таъкидламоқда. Черногория ҳукумати эса сайловларда иштирок этишдан биринчи бўлиб тўхта қўй қилишди. Бунинг Черногориянинг мустақиллик учун ҳаракати дея баҳолаш лозим. Чунки, Косово урушидан сўнг бу ердаги мусулмон аҳоли Милошевичнинг қаттиқ зулмига ўчради ва бу ҳол ўлжада мустақиллик учун иттилошини қучайтириб юборди. Шунки алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур сайловларда Югославия ҳукумати чет эллик журналистларни аккредитациядан ўтказмаган. Бу эса ўз-ўзидан сайловлар натижаларига шубҳа туғдиради. 24 сентябрдаги сайловлар Югославиянинг янги раҳбарини аниқлай олмади. Энди эса жаҳон жамоатчилиги 8 октябрни кутмоқда.

Норбек НИЁЗОВ
тайёрлади

Internet ХАБАРЛАРИ

ЯШАШ ОЗОДЛИКДА ҲАМ ОСОН ЭМАС

Яқшанба кўни Британия жинойят оламининг йирик вакили Реджи Крей 66 ёшида вафот этди. Крей саратон хасталигига чалинган эди. Мана шу хасталик уни Норвич отелида, ҳеч бир талвасасиз, уйқудалиги чоғида жони узилишига сабаб бўлди. Ҳаётининг сўнгги давларида унинг ёнида рафиқаси ва икки тан қўриқчиси бўлган.

Лондонлик собиқ мафиоз Реджи Крей машҳур гангстер Жек Маквити ўлдиргани учун 31 йил «қўриб» чиққан эди. Реджи шу йилнинг августиди шахс Буюк Британия ички ишлар вазирини Жек Струнинг буйруғи билан озод қилинган эди.

Афсуски, мафиозга озодликда узок яшаш насиб этмаган экан.

«КУРСК» ЭНДИ ТОБУТ БЎЛМАЙДИ

2 октябрь кўни Петербургдаги «Рубин» марказий конструкторлик бюросида «Курск» сув ости кемасида чўкиб кетган денгизчилар жасадларини олиб чиқиш ҳақидаги шартнома имзоланди.

Шартнома «Halliburton AS» деб номланувчи фирма билан тузилди. Бу фирма сув остига чўккан жисмларни олиб чиқишга мутахассислашган йирик америка компанияларидан бирининг филиали ҳисобланади. Ушбу ҳужжатни Россия ҳукумати топиширигига биноан Игорь Спасский имзолади. Спасский ушбу шартномада кўрсатилган сумма миқдорини эълон қилмаган бўлсада, «Рубин» да ўтказилган музокаларда «Halliburton AS» ўз хизмати учун унча қиммат нарх айтмаганлигини маълум қилган эди. Спасский шунки таъкидлаб ўтдики, бу фирма ундан илгари бу вазифани бажариш учун ўз хизматини тақдир қилган «Stolt off shore» фирмасига қараганда икки баравар арзон нарх белгиланган. РФ ҳукумати раҳбарининг ўринбосари Илья Клебанов эса бу сумма 5-7 млн. АҚШ долларига тенглигини илгарироқ айтиб ўтган эди.

ШАМОПДАН ТЕЗ

Сайёранинг энг тезкор одами - Морис Грин. Америкалик атлет бу ном унга бежиз берилмаганлигини яна бир бор исботлади. Морис Грин 100 метрга югуришда ўзининг яна бир оламушмул ғалабасини қўлга киритди. У кўрсатган натижа 9,87 секунд. Иккинчи ўрин - Ато Болдун (Тринидад), учинчи ўрин Обаделе Томпсон (Барбадос). Сайёранинг энг тезкор одами - Морис Грин кўрсатган натижага 1988 йилда Карл Льюмс эришган эди.

КРИМИНАЛ

ИНТИХО

раҳбарига айланади. Жангариларни тайёрлаш, навбатдаги қурбон ҳақида маълумот тўпловчи ташкилот фаолларининг фаолиятини қузатиб бориш айнан унинг зиммасига юклаган эди.

Маълумки, муваффақиятли амалга оширилган бир қанча суиқасд режаларини Аррегининг шахсан ўзи ишлаб чиққан. 1982-1984 йиллар оралигида Франция полицияси Игнасио террорчилик ҳаракатларини содир этишда айблайди, бироқ далиллар етарли бўлмаганлиги боис иш ёпилади. Асосий фаол Санти Потросининг қамқоққа олиниши қалаванинг учини топиб берди ва Франция олий суди Аррегина нисбатан қидирув эълон қилди. Лекин полиция таъкидидан яширинган Арреги Францияни тарк этиб, дарҳол ЭТА

раҳбарлари ҳузурига панох излаб келади. Басқлар раҳнамоларидан бири Хосе Луис Альварес Сантхристина Аррегини ўзига шахсий ёрдамчи қилиб олади. 1999 йил ЭТАнинг барча раҳбарлари ҳибсга олингандан сўнг Инаки де Рентерия басқ сепаратчиларининг йўлбошчиси бўлиб қолди.

Испания қироли Хуан Карлосга суиқасд ҳам Арреги томонидан уюштирилган бўлиб, катта шов-шувга сабаб бўлган эди. Қиролнинг бахтига суиқасд муваффақиятсиз чиқди. Шундан сўнг полиция Аррегини қаттиқ таъкиб остида олди. 1993 йил Париж чеккасида яшаётган террорчини «тузоққа тушириш» режасини амалга оширишга киришляди. Аммо қўлга тушмас Инаки аёл қийимиди полициячилар қўзини шамғалат қилиб, қонишга улғу-

ради.

Ҳамма нарсанинг ибтидоси бўлганидек, интихоси ҳам бор. Ниҳоят, ЭТА раҳнамоси Игнасио Грасия Арреги хотини Фабьен Тапила ва икки яшар қизчаси билан бирга қўлга олинди. Бу тадбирни амалга оширган полициячиларни ҳайрон қолдиргани, ушлаш пайтида Арреги қаршилик кўрсатиши ҳатто ҳаёлига ҳам келтирмади.

Террорчи ўз оиласи билан бирга яшаган уйда тинтув ўтказилганда француз ва испан тилларида ёзилган қўллаб қалбаки паспортлар ва бошқа қозғалар топилди.

Қалбаки ҳужжатлар ясашга устаси фаранг бўлиб кетган қаллоб ҳатто ўзига Марсел полицияси комиссарининг гувоҳномасини ҳам тайёрлаб қўйган экан. Булардан ташқари полиция бир қанча тўппонча, мўлжалга олиш воситалари ва уч дана граната ҳам топди.

Энди Игнасио Грасия Арреги бир йўл икки суд — Франция ва Испания судлари олдида қилмишлари учун жавоб беради.

Ашаддий, ЭТА ташкилотининг бош сепаратчиси Грасия Арреги Франция полицияси томонидан қўлга олинди. 44 ёшли Аррегининг яна бир номи - Инаки де Рентерия. У оғир оқибатларга олиб келган қўпоровчилик ҳаракатларини содир этган бир қанча басқ ташкилотларига раҳбарлик қилган. 1987-1996 йилларда террорчилик ҳаракатларини амалга оширган Арреги Испания судлови томонидан қидирилаётган эди.

Басқ сепаратчиларининг аввалги йўлбошчиси Франсиско Муджик Гармендида ҳибсга олинган, ЭТА жиливи Арреги қўлга ўтди. Бунга қадар у 70-йилларнинг ўрталарида Испанияда олиб борилган ҳарбий ҳаракатларда иштирок этган эди. Ушандаёқ Игнасио ЭТАнинг энг яхши жангариси сифатида танилди. 1977 йилнинг апрелида қурол олиб юргани учун француз полицияси уни қамқоққа олади. Бироқ турма ашаддий сепаратчининг популини пасайтири олмади. Қамқодан чиққан Инаки де Рентерия ЭТА ахборот хизматининг

СУҒ СЕНГА!

«Кизимни отасиз катта қилдим. Тилло тақинчоқлар олди-сотдиси билан шугулланарди. 1998 йил 30 октябрь кунни меъбел сотиб оламан, дея чиқиб кетганича қайтиб келмади. Исламаган жойимиз, сўрамаган кишимиз хоҳ тиринги, хоҳ ўлигини бўлса ҳам қўришни илтижо қилиб сўрадим. 1999 йилнинг сентябрь ойида қизимнинг қотиллари топилгани ҳақида хабар олдим...»
Мархума Д. Маллабоеванинг онаси М. Пахриддинова кўрғазмасидан.

МАККАДА УЖОВАТ БЎЛГАН ДУО

Куз фаслининг ўрталари эди ўшанда. Ҳавонинг авзойи бузуқ. Эрта тонгданок осмоннинг бир четидан ёпирилиб келган қора булутлар галаси бирпасда шаҳар кўчаларини шил-шилта қилиб ўтиб кетди. Аммо кўёш ҳадеганда юз кўрсата-вермади. Эҳтимол, айнан шу бугун муштираб бир аёлнинг бир гуруҳ бойлик гадолари томонидан ваҳ-шайларча қатл этилишини билгандир. Балки шунинг учун ҳам бу му-дхш фожеани кузатишдан чўчиб ўз тўдаларидан ортада қолган қора бу-лутлар ортига яширинаётгандир...

Адолат туни яримгача ўхламади. Бунинг ўзига яраша сабаби бор эди. Кеча «Олой» бозорида танишган аёл унинг хаёлини бутунлай банд этиб қўйди.

Тилла тақинчоқлар билан савдо қилувчи бу аёлни бир қўришдаёқ бадавлат эканлигини аниглаб олиш кийин эмасди. Улар узок суҳбатла-шишди. Суҳбат чоғида унинг меъбел олиш нияти борлигини эшитиб, Адолат бир зум ўйланиб қолди. Ана шу бир зумлик вақт бечора Дилмиранинг ҳаётига нукта қўювчи мудхш режани пишитишга кифоя қилган бўлса не ажаб.

— Ўзи аслида ҳизирни йўқласам бўларкан, — мугъбирона жимлайиб гап бошлади Адолат. — Бир дугонам уйдаги меъбеларни сотмокчи экан-лигини айтгудди. Агар истасангиз у билан учраштираман.

Бу орада қаёқдандир Дононинг ўзи пайдо бўлди. Адолат уни Дилмиранинг меъбел сотиб олмокчи эканлигини айтди.

— Озгина пулга муҳтож бўлиб қолувдик. Бўлмаса сотмасдим. Сиз ўзимизники, нарҳини меъбелни кўр-га-

нингиздан кейин келишаверамиз, — деди Доно.

Дилмира меъбелни кўргани тез орада боришини айтиб хайрлашди.

Адолат бундай омадни қўлдан чиқаришни истамасди. Туни билан ўзича турли режалар тузиб чиқди. Эртаси кун эса ўз режасини Доно-га сўзлаб берди. Улар ўзларига шерик қилиб Мавжудани ҳам жалб этишга келишиб олишди. Мўмай даромад қўлга киритилишидан умидвор бўлган Мавжуда ҳам тезда кўна қолди. Хуллас, режа пишди. Энди харидорни кутиш керак.

Дилмира эрта уйғонди. Кеча Адолат билан бўлиб ўтган суҳбатдан сўнг у меъбеларни қўриш учун боришга аҳд қилганди. Ювиниб ошхо-нага ўтди. Онасининг бўйнидан қўчоқлаб, саломлашди.

— Ха, тинчликми? Каллайи са-ҳарлаб турволдинг. Бирон ёққа бор-мокчимисан?

— Ойижон, бир дугонам меъбел сотмокчи. Бугун шуни кўргани бо-раман.

— Қизим, негадир кўнглим гаш. Шу савдо ишларининг йиғиштир-санг. Ахир, шунча сўмлик буюм билан кўчада юришининг билиб уйда тинч ўтира олмайдим.

— Хавотирланманг, ойи. Ҳамма-си яхши бўлади.

Дилмира кийиниб бўлгач, ўзи

билан тилла тақинчоқлари ҳамда ҳамғариб қўйган пулларини олиб чиқиб кетди.

Кўп қаватли уйнинг балконида кизининг кетишини кузатиб турган она ушбу лаҳзадан бошлаб уни қай-та кўрмаслигини билмас эди.

Дилмира бозорга кела солиб биринчи қилган иши Донони излаб топди. Унга меъбелни қўришга бор-мокчи эканлигини айтди. Улар шу ердан такси ўшлаб Адолатнинг уй-га йўл олишди. Келишилганидек, уйда Адолат билан Мавжуда уларни кутиб олишди. Қисқа салом- аликдан сўнг Доно Дилмирани меҳмон-хонага бошлади. Адолат билан Ма-вжуда уларга халақит бермаслик учун қўшни хонада қолишди.

Уларнинг суҳбати узок чўзилди. Меҳмонхонадан икковининг баланд овозда тортишгани аниқ эшитилиб турарди. Адолат режанинг биринчи қисми кўнглидагидек бошланаётга-нидан севиниб қўйди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлаётганди. Доно билан Дилмиранинг тортишувчи росмана жанжалга айланди. Охири Доно уни бор кучи билан итариб юборди. Боши билан йиқилган Дилмира бир дам ўзини йўқотиб қўйди. Бу орада эса хонага Адолат билан Мавжуда югуриб киришди. Ҳаммаси кўз-очиб юмгунча содир бўлди. Вақтдан ютиб қолишни уйлаган дугоналардан бири хали ўрнидан туриб бўлмаган Дилмиранинг бўйнидан бўға бошлади. Иккинчиси эса унинг оғзини бер-

китди. Доно эса нима бўлаётгани-дан беҳабардек, тош қотиб турар-ди. Уни Мавжуданинг қичқирган ово-зи ўзига келтирди.

— Нера анграйиб турибсан? Бор, бирор нарса топиб кел!

Доно хали довдираб турган бўлса ҳам Мавжуда нимани назарда ту-таётганини яхши тушунди. Ошхона-га ўтиб қўлга биринчи илинган

бўшаган ёғ шишасини олиб қайтди. Шишани Мавжудга узатди.

— Ур бошига, лапашанг, — деди Мавжуда ғазаб билан.

Доно қўллари қалтираган қўйи: — Кўрқаялман, — дея олди холос.

Шунда Мавжуда унинг қўлидан шишани шарт сугуриб олди-да, жон талвасасида тилпирчилаётган Дилмиранинг бошига ўхшатиб тушир-ди. Зарбанинг ўзидаёқ жон таслим қилган Дилмиранинг бошидан қон сиза бошлади. Бир зумда полни кип-қизил қон қоплади. Адолат қаёқдандир селован пакет олиб келиб, жасаднинг бошига қийди-рди. Сўнг бўйнидан сим билан бос-лаб қўйишди.

Энди жиноий шериклар Дилми-ранинг ёнида бўлган пул ва тақин-чоқларни йиғиштириб олишга ки-ришди. Унинг ёнидан 400 АҚШ доллари ва 100 минг сўм пул, қари-йиб 2 миллион сўмлик тақинчоқ-ларни шилиб олишди. Қотил дуго-налар энди мурдани йўқотиш чора-сини ўйлаб бошлашди. Мавжуда уни қизлик ҳовлисига олиб бориб қўмиб ташлашни таклиф қилди. Таклиф ҳаммага маъжул бўлди. У телефон орқали турмуш ўртоғи Жўрани ча-кирди.

Бу ерга етиб келган, ҳеч нарса-дан хабари йўқ Жўра аёлларнинг безовталанаётганини қўриб «Тинч-ликми?» деб сўради.

— Биз одам ўлдириб қўйдик, — деди йиғламсираб Мавжуда.

Жўра хотинининг гапини эши-тиб анграйиб қолди.

— Жинни бўлганмисанлар?

Мавжуда жавоб бериш ўрнига хўнграб йиғлаб юборди. Жўра ма-сала жиддий эканлигини сезиб, мурда қаёқдалигини сўради. Улар шкафини кўрсатишди. Жўра шкаф эшигини очиб билан унинг устига кўрпага ўралган Дилмиранинг жа-

сади қулади...

Дилмиранинг йўқолиши муноса-бати билан олиб борилган қидирув ишлари узок чўзилди. Унинг «Олой» бозорида тилла буюмлар савдоси билан шугулланиши маълум бўлган-лиги сабабли шу ердагилар билан суриштирув ишлари олиб борилиди. Суриштирувлар натижасида лўли миллатига мансуб аёл бундан бир неча кун илгари Адолат ҳамда Мав-жуда исмли икки аёл унга тилла билакузукни сотиш учун кўрсатган-лигини, бу билакузукни у илгари Дилмирада кўрганигини айтиб кўрсатма беради. Шундан сўнг Ма-вжуда ва Адолат Ички ишлар бўли-мига чақирилиб сўроқ қилинганда улар бор галини айтиб беришади. Дилмиранинг жасадини Мавжуда-нинг қизлик уйдаги анжир остига қўмишганини айтишади.

Шундай қилиб, пул, мол-давлат эгаллаш мақсадида бир аёлнинг умрига зомин бўлган Адолат Қам-баров, Мавжуда Орипова, Улар-нинг жиноий шериклари Доно Дил-матов ва ҳамда Жўра Рахматовлар қўлга олинди. Суд бу нафс бандла-рига нисбатан адолатли ҳукм чи-карди. Унга кўра гуруҳ раҳбари Адол-ат ва Мавжуда 19 йил, Доно 18 йил, Жўра 17 йил озодликдан маҳрум этилди.

Собит АЛИБОВЕВ,

Тошкент шаҳар прокуратураси бўлими прокурори

АФСҮС

Дунёда ёлгон гапирмайдиган одам борми? Менимча йўқ бўлса керак. Ҳадиси шарифда айтилишича, аразлаган кишларни яраштириш учун, жангда душманни енгиш учун ёлгон гапириш, ҳийла ишлатиш мумкин экан. Яхши. Аммо ёлгонни касб қилиб олиш ёмон. Сизу биз бирдай нафратланадиган фирибгарликнинг илдиизи мана шунда.

Кейинги пайтларда бу жиноят туйфайли, ўнлаб, ҳатто юзлаб фуқаролар ана шу фириб усталарининг найрангларига «чув» тушиб қолаётгани тез-тез қўлоққа чалиниб қолмокда. Квартиралар олди-сотдиси, сохта долларлар савдоси, хуллас, турмушнинг ҳар бир жаҳбасида бундай кимсаларга дуч келиб турамыз. Улар ўз ёлгонлари оқибатида мўмайгина даромад ортти-ришса, алданганларнинг эса уйи қўйиб қолаверади. Бундай пайтларда фуқаро энг аввал ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларга му-рожаат этади. Бироқ фирибгар милиция мундарида бўлса-чи?.. Мавзу шу ҳақда.

Очилбой Тожибоев Бекобод ша-ҳар Ички ишлар бўлимига қараш-ли тиббий хушёрхонасида мили-ция ҳайдовчиси бўлиб хизмат қиларди. Одатда жиноятчи қўлга олинганда содир этган жиноятини турли баҳоналар билан оқлашга уринади. Очилбойнинг эса ҳеч нарсадан камчилиги йўқ эди. Ойласи, ширин - шакар уч нафар фарзанди бор. Бир инсон учун ҳаётнинг маз-муни аслида шу. Эртанги кун уми-ди, орзусида яшаш учун шунинг ўзи кифоя.

«Қаҳрамонимиз» Очилбой учун эса буларнинг ўзи етарли бўлма-ди. У бойлик орттиришни, бадав-лат яшашни истарди. Орзуга айб йўқ. Аммо гап бунга қандай йўл

ни олиш ниятида бўлади. Очилбой шундайларни топиб ҳолатини чи-қаришни режаляб қўйди. Албатта, текинга эмас. Шу мақсадда у илгари-дан таниши бўлган тожикистон-

ҳамкишлоқларининг паспорти ҳамда 70 минг сўм пул билан Очил-бойнинг ҳузурига келди. Ваъдага мувофиқ Очилбой ўзида бўлган қалбаки штампни паспортларга бо-

новвойхонада ишлардим. О. То-жибоев билан танишиб қолдим. Хотиним қўшни Тожикистон рес-публикасида. Шунинг учун рўйхат-га қўйиш масаласида ундан ёрдам сўрадим. У эса 5000 сўм сўради. Мен унга шунча пул бердим. Ора-дан бир қанча вақт ўтгач, у паспор-тни олиб келиб, рўйхатга қўйган-лигини кўрсатди. Агар Ўзбекистон паспортини олишни хоҳласам, яна 20 000 сўм беришим кераклигини айтди. Мен рози бўлиб унга пулни бердим. Аммо шундан кейин у йўқ бўлиб кетди. Мен уни излаб Беко-бод туман паспорт бўлимига бор-дим. У ерда эса паспортдаги штамп қалбаки эканлигини айтишди.»

Ёлгоннинг умри қисқа бўлади, дейди кексаларимиз. Очилбойнинг ҳам ёлгон узок яшамади. Қайтан-га уни эл-юрт, ошна оғайнлар олдида иснодга қўйди. Айнқса, ҳозирги нотинч вазиятда дуч кел-ган одамга рўйхатдан ўтганлик тўғрисида қалбаки штамп босиб берган, ўз манфаати йўлида йомо-нини ҳам сотишга тайёр бу кимса уни билганларнинг ғазабини қўзга-ди.

Суд О. Тожибоевга нисбатан 6 йил озодликдан маҳрум этиш жа-зоси белгилади. Бироқ Президен-тининг 9 майдаги амнистия тўри-сидаги фармонига асосан белги-ланган жазо ўчдан бирига қисқар-тирилди.

Алишер МАКСУДОВ,
Республика прокуратураси
Ички ишлар идораларида
тергов ва суриштирувни
назорат қилиш бошқармаси
прокурори

МУНДИР КИЙГАН ФИРИБГАР

билан эришишда. Излашни, инти-лиш, энг муҳими, ҳалол меҳнат қилиш орқали эришилган ҳар қан-дай бойлик албатта бахт келтира-ди. Очилбой бунга жуда яхши би-ларди. Аммо меҳнатга бўйин эки-си келмасди. Текин даромад ор-тиришини хоҳларди.

Қулларнинг бирида корейс мил-латига мансуб кишидан «Тошкент вилояти, Бекобод тумани Пушкин қишлоқ фуқаролар йиғини. Рўйхат-га қўйилди» деган ёзувли сохта штампни сотиб олди-ю, ҳаёлига келган фикрдан бесаранжон бўлиб қолди.

Бекобод шахри қўшни Тожики-стон Республикасига чегарадош бўлганлиги боис бу ерга иш излаб келган тожик фуқароларини тез-тез учратса бўларди. Уларнинг ак-сарияти Ўзбекистон фуқаролиги-

лик фуқаро Тожимурод Умаровга ёрилди.

— Биродар, «прописка»га қўйиш ниятида юрганингини эшитдим. Кел, дастлигимиз ҳурмати сенга бир яхшилик қилай. Бироқ озгина ха-ражати бор-да. Агар ҳамкишлоқ-лардан қўпроқ бўлса, ўзингга ар-зонроқ тушади.

Узоқ вақтдан буён худди шу масалада сарсон бўлиб юрган То-жимуроднинг кўнглида умид чи-роғи милтиллади. Дўстининг Ички ишларда ишлаши боис ундан шу бҳаланмади ҳам. Қайтанга «Нега олдинроқ унга мурожаат қилма-дим», дея ўзини-ўзи койиған бўлди. Хуллас, Тожимурод Очилбойга ше-риклар топиб келишни ваъда қилиб, хайрлашди.

Тожимурод кўп куттирмади. Бир неча кун ўтгач, у қўлида етти дона

сиб, уларга Бекобод тумани, «Ўзбе-кистон» жамоа ҳўжалигида исти-комат қилади, деган ёлгон маълу-мотларни ёзади.

— Мана оғайни, йигитнинг сўзи битта бўлади, — деди Очилбой То-жимуродга паспортларни топиш-ларкан, — Агар Ўзбекистон паспор-тини олишмокчи бўлишса, менга мурожаат қилаверишин. Фақат бу гал 80 минг бўлади.

Ички ишлар ходими либосида-ги фирибгар О. Тожибоевнинг най-ранглари ким билади, яна қанча фуқароларни ноқонуний рўйхатга қўярди. Аммо ҳалқимизда кўза қун-да эмас, қунида синади, деган гап бор.

Суд ҳукмидан қўчирама: «Жабрланувчи Нодир Эргашев-нинг кўрғазмасидан: «Бекобод шаҳрида жойлашган

СИДНЕЙ — 2000

ХАЙР, СИДНЕЙ!

Ўн етти кун давомида бутун дунё спорт ишқибозларининг диққат марказида бўлган асримизнинг сўнгги олимпиадаси ҳам ўз ниҳоясига етди.

Олимпиада ўйинларининг ёпилиш маросимига бағишланган тантанада қарийб 100 минг томошабин, минглаб спортчилар тўпланишди. Ўз лавозимини тарк этаётган ХОҚ президенти Сидней олимпиадасини жуда юқори баҳолади. Бунинг учун у австралияликларга миннатдорчилик билдирар экан шундай деди: «Сизлар бизга ўзларингизда бор ҳамма яхши нарсаларни тухфа этдинглар. Ташаккур, Сидней! Раҳмат, Австралия!».

Олимпия мадҳияси остида аланга ўчирилиб, олимпиада байроғи туширилди. Самаранч олимпия ўйинларини ёпиқ деб эълон қилар экан, навбатдаги Олимпия ўйинлари Афинада бўлишини билдирди.

Кутилганидек, бу галги ўйинларда совринлар миқдори бўйича америкаликлар улоқни олиб кетишди. Улар жами 97 та медал жамғаришди. Шундан 39 таси олтин. Иккинчи ўринни россияликлар олишди. Улар тўплаган 88 медалдан 32 таси олтин ва 28 таси кумуш.

«Мен албатта олтин медал билан қайтаман». Ҳамюртимиз, мохир бокс устаси, бокс бўйича жаҳон чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев Сиднейга жўнаш олдин шундай деганди. Тан олиш керак, Муҳаммадқодир ўз сўзининг устидан чиқди. Аксинча бўлиши мумкин эмасди. Чунки минглаб ўзбек спорт мухлислари унинг галаба қилишини кутиб туришган эди.

Бугун эса Муҳаммадқодир билан нафақат унинг оиласи, дўстлари, балки бутун ўзбек халқи фахрланмоқда. Шундай қилиб, вакилларимиз олимпиадада 1 та олтин, 1 та кумуш ва 2 та бронза медалларга сазовор бўлишди. Ўшбу натижа билан Ўзбекистон олимпиадада иштирок этган 199 давлатлар орасида 41- ўринни эгаллади. Бу эса юртимизда спортга бўлган ўзига хос эътибор мавжуд эканлигидан далолатдир. Ўйлаймизки, келажакда спортчиларимиз бундан ҳам юқори натижалар қўйсатиб, юртимиз шарафини юксак чўққиларга кўтаришади.



2004 йилда Олимпиада ўйинлари унинг ватани — Грецияда бўлиб ўтади. ХОҚ раҳбари олимпия байроғини Афина шаҳар лорд-мэрига тантанали равишда топширмоқда.

ТУРФА ОЛАМ—ТУРФА ОДАМЛАР

АҲДОДЛАР МАҲОРАТИ

Германия шимолидаги абадий музликлар билан қопланган Тирол тоғидан бундан 5300 йил илгари яшаган одамнинг жасади топилиди. Жасада қора қимматбаҳо мумга ўралган эди.

Потолог Эдуард Эгартер ва ҳамкасблари ушбу топилма устида илмий тадқиқот ишларини олиб борди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, жасаднинг бўйи 1,61 метр, оғирлиги 40 килограмм бўлган экан. Тадқиқотчилар музлатилган жасадни 10 даража илликка келтириш учун икки соат вақт сарфлашди. Эриган жасад устида олиб борилган изланишлар шуни кўрсатдики, қадимий аҳдодлар абадий музлатиш санъатини жуда яхши билган эканлар.

Жасад махсус текширувдан ўтказилганида, унинг мутлақо соғлом бўлгани, фақат тиши баъзида оғриб тургани маълум бўлди. Энг қизиғи, жасаднинг эркак ёки аёл жинсига мансублигини аниқлаш жуда қийин кечмоқда. Ҳозирча тадқиқотчилар унинг юз тузилиши, шунингдек, ёнидан топиладиган тақинчоқларни ўрганиб чиқиб, жасад эркак бўлган, деб тахмин қилишмоқда. Мамлакатдаги Инсбург университети олимлари эса топилманинг асрлар оша бус-бутун сақланганининг асосий сабаби, унинг ҳеч бир жинсга мансуб бўлмаганлигини дейишмоқда. Ҳозирча жасаднинг ким бўлгани ва у қандай қилиб энг замонавий усулга яқин даражада музлатилгани сирлигича қолмоқда.



БОЛА НЕГА КЎП ЙИҒЛАЙДИ



Боланинг йиғлоқчилигига чекувчи она томонидан ўтган руҳий омиллар сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

Нидерландия илмий тадқиқот институти олимлари чекувчи аёлларнинг ёш болалари чекмайдиганликни қараганда икки маротаба кўпроқ йиғлашини аниқлашди. Улар 3345 нафар бир ойликдан то олти ойликгача бўлган чақалоқлар ҳақида маълумот тўплашди. Тадқиқотлардан маълум бўлдики, кашанда аёллар гўдақларининг 4,7 фоизи чекмайдиган аёлларнинг гўдагига нисбатан бир кунда икки соатдан кўпроқ йиғлар экан.

«MICROSOFT» САПТАНАТИДА ИНҚИРОЗ

Дунёнинг энг бадавлат кишиси ҳисобланган Билл Гейтс инқирозга юз тутди. Унга тегишли бўлган Microsoft корпорациясининг қимматбаҳо қозғолаари кутилмагандан ўз қийматини йўқотди. Натижада, Билл Гейтс 22 миллиард доллар зарар кўрди.

Ҳозир АҚШда тўрт юздан ортқ миллиардлар яшайди. Уларнинг 46 нафари аёллардир. Бу бойвачаларнинг жами маблағи 1,2 триллион доллардан иборат бўлиб, у йилгига йигирма фоизга қўпайиб борапти. Компьютер техникаси ишлаб чиқарувчи Intel (Интел) компанияси маҳсулотларининг харидорлиги бўлиб бораётгани унинг ҳўжайини Гардон Мооренни жуда бойитиб юборди. Унинг 15 миллиард долларлик жамғармаси қисқа муддатда 26 миллиардга етди. Натижада Г.Моорен миллиардерлар рўйхатида тўққизинчи ўриндан бешинчи ўринга кўтарилиб олди.



8 МИЛЛИОН ФУҚАРОДА «РУҲИЙ ХАСТАЛИК»

Мюнхеннинг Мах-Planck институти ва Дрезден техника университети ҳамкорлиқда 18 ёшдан 65 ёшгача бўлган етти миң нафар немис фуқароларини чўқур ўрганиб чиқди. Текширишлар шуни кўрсатдики, уларнинг ҳар бештасидан бири турли хил руҳий хасталикка чалинган экан. Бу фуқароларнинг уч фоизи руҳий кўрқув (вос-вос) ҳолати, етти фоизи тушкунлик ва бадан қақшаши касаллигидан азоб чекади.

Олимлар фикрига кўра, уларнинг касаллиги доимий равишда спиртли ичимликлар истеъмол қилиш ва кўп чеккиш оқибатидир. Касаллик тўғрисида мазкур инсонлар бир ойда 7,2 кун мутлақо ишга яроқсиз ҳолга тушиб қолаётди. Мах-Planck институти психотерапевти Сузанне Винтернинг фикрича, агар немислардаги бу касалликка ҳам учрайдиган ва ўткинчи ҳолат, деб бефарқ қаралса, бундайлар сони йилдан-йилга қўпайиб, 2020 йилга бориб жиддий муаммага айланиши мумкин.


«ОЗОН» ҲАМОН ЕМИРИЛМОҚДА

Аргентина шимолида азон қатламининг емирилиши кучли кечмоқда. Бу ҳодисани ўрганаётган мутахассислар шундай хулосага келди. Уларнинг тадқиқотлари шундан далолат беришмоқда, октябрь ойи охирига келиб бу ҳудудда азон қатлами 35 фоизга сийрақлашади. Мазкур кўрсаткич тобора ошиб бориши башорат қилинмоқда. Аргентинанинг бу қисмида жойлашган заводлардан чиқаётган чиқинди газ ва инсон томонидан табиатга етказилаётган зарарли кўлами катталиги шундай ҳолга олиб келяпти.

Стеротосферада азон қатламининг емирилиб бориши охир-оқибатда ҳароратни кескин пасайтириб юбориши тахмин қилинмоқда.

Б. САИДОВ тайёрлади.

KROSSVORD



«К» ҲАРФИ БИЛАН БОШЛАНДИ

Энига: 3. Энг қадимги қурол тури. 6. Тинчлик рамзига айланган қуш. 7. Нима ва қандай қилиш ҳақидаги фикр-мулоҳаза. 9. Илдири ва барги йўқ паразит ҳавфили ўт. 12. Қурилишда қисмларни қирмайландириш қилиб мустаҳкамлаш учун қўйиб қўйилган ағоч. 13. Мусобақада ғолибга бериладиган қўчма муқофот. 18. Италиянинг жанубидаги ярим орол. 21. Инглиз физиоги ва кимёгари. 22. Осиёдаги давлат пойтахти. 23. Сурия ёзувчиси ва маърифатпарвари. 25. Тригонометрик функциялардан бири. 32. Эркин ҳаракат қилишга йўл қўймайдиган нарсас. 33. Манфий зарядланган электрод. 34. Собик иттифок республикалари ичидаги давлатнинг 1-президенти. 35. Бозорда сотилган галладан олинган ҳақ. 36. Бутун бориқ. 37. Кимёвий элемент, қумушсимон ялтироқ металл.

Бўйига: 1. Кўнчар мамлакатдаги шаҳар. 2. Мусиқа асбобларини созлаш учун ишлатиладиган махсус пўлат асбоб. 4. Қора қайинларга мансуб дарахт. 5. Қаландарларнинг хайр-садақа йиғиладиган махсус идиши. 8. Кемада пасажирлар учун ажратилган ҳар бир алоҳида бўлма. 10. Сув транспорти. 11. Коста-Рика ва Сальвадор пул бирлиги. 14. Рус давлатида 15-17 асрларда деҳқонлар ва камбағаллар орасидан чекка жойларга қочиб юрган (боған) рус қозғоғи. 15. Жундан қилинган қалин пишиқ палос. 16. Сўз, нутқ, гапириш. 17. Ўзгаларга суқланиб тикилганда қирадиган «касалик». 19. Ҳозирги Беруний шаҳри ўрнида 3-10 асрларда мавжуд бўлган шаҳар. 20. Қўйиб бўлган нарсас қолдиги. 24. Махсус томизги билан ивтилган чўққ қатик. 26. Поясидан тола олинандиган, баланд ўсимдон ўсимлик. 27. Ўғир. 28. Рус армиясида 17-19 асрларда мавжуд бўлган унвон. 29. Ява ва Суматра ороллари орасидаги сўнмаган вулкан. 30. Русча ҳажвий ойнома. 31. Сунъий толаннинг бир тури.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТГАН СОНИДА БЕРИЛГАН КРОССВОРД ЖАВОБЛАРИ

Энига: 1. Банорас. 4. Ибб. 6. Коржомо. 10. Лимон. 11. Оромгоҳ. 13. Қатик. 14. Арк. 15. Ақа. 17. Ион. 18. Рим. 20. Нос. 21. Амазонка. 24. Муаллима. 28. Илинж. 29. Насихат. 30. Жория. 31. Офатихон. 33. Изолятор. 37. Мош. 39. Ари. 41. Бор. 42. Бут. 44. Жом. 45. Луғат. 46. Нигерия. 47. Корея. 48. Қалбаки. 49. Бал. 50. Муслима.

Бўйига: 1. Балада. 2. Намак. 3. Ренга. 5. Бомдод. 7. Рақам. 8. Олтин. 9. Алқисса. 11. Она. 12. Хур. 16. Кон. 19. Ила. 22. Ақча. 23. Конго. 25. Устоз. 26. Ибрат. 27. Кит. 31. Олмалик. 32. Жар. 34. Оғу. 35. Рамаяна. 36. Комета. 38. Шағал. 39. Астра. 40. Изн. 42. Бия. 43. Текис. 44. Жарчи.

ҚУТЛОВ



Мавжудахонни ва меҳрибон келинимиз Иродайлари тугилган кунлари муносабати билан чин ошдан қўтайман. Ҳар доим соғ-саломат бўлиб, бахтли турмуш кечирishingизни тилаб қоламан.

Суюн НОРҚЎЗИЕВ,
Самарқанд вилояти,
Оқдарё тумани

ҚАҲ—ҚАҲА БЕКАТИ

ДАВАМНИНГ ВАҚТИ ЙЎҚ



Ун яшар боланинг отаси ҳақида мактабда ёзган ишносидан: «Менинг дадам энг баланд тоққа чиқа олади, энг катта денгиздан сузиб ўта олади, энг ғиртқиқ йўлбарсни енга олади. Дадамнинг қўлидан ҳамма нарсас келади. Фақат бунга унинг вақти етишмайди, чунки у оинимга идиш-товуқларни ювишда ёрдамлашмоғи керак».

...

Ковачнинг оиласида бирданига уч бола тугилди. Беш яшар ўғли отасидан сўрапти:

- Дада, бу болаларнинг учови

ҳам бизникида қоладими ёки биттасини танлаб оламизми?

...

Ўқитувчи:

- «Мен ювинаяпман», «сен ювинаяпсан», «ювинаяпти», десак, қайси замон бўлади?

Ўқувчи:

- Албатта, эрталаб бўлади-да...

...

- Катта бўлсанг ким бўлмоқчи-сан, ўғлим?

- Тиш доктори бўламан.

- Нега энди? Ўрақ доктори бўла-қол-да...

- Бўлмайди. Унда очликдан ўлиш мумкин.

...

- Неҳуқ?

- Чунки ҳар бир одамда фақат битта юрак бор, тиш эса ўттиз икки-та...